

Ўзбекистон Республикаси
Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги

Гулистон давлат университети

Тарих кафедраси

Тарих таълим йўналиши

**«Бугунги кунда Осиёнинг янги индустриал давлатлари «Осиё
йўлбарслари» ва Ўзбекистон ўртасидаги муносабатлар»**

мавзусидаги

БИТИРУВ-МАЛАКАВИЙ ИШИ

МУТАФОҚУЛОВ САЛИМЖОН

Раҳбар: Самадов Б

ГУЛИСТОН 2015

Р Е Ж А

Кириш

1-боб. “Янги индустриал мамлакатлар” (ЯИМ)нинг халқаро иқтисодий муносабатлари.

1.1. “Янги индустриал мамлакатлар”нинг умумий характеристикаси.

1.2. ЯИМ иқтисодий моделларининг ўзига хос томонлари.

1.3. ЯИМ –халқаро меҳнат тақсимооти системасида.

2-боб. Ўзбекистоннинг “Осиё йўлбарслари” билан ҳамкорлиги.

2.1. Мустақил Ўзбекистоннинг хорижий Осиё мамлакатлари билан ўзаро муносабатларидаги асосий йўналишлар.

2.2. Ўзбекистоннинг Осиёдаги янги индустриал мамлакатлар билан муносабатлари.

Хулоса ва тавсиялар.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати.

К И Р И Ш

Мавзунинг долзарблиги. Бугунги кунда бутун халқимиз Ватанимиз мустақиллигининг ўн етти йиллигини улкан зафарлар билан кутиб олиш йўлида хормай-толмай меҳнат қилмоқда, дунёда ҳеч кимдан кам бўлмай яшаш учун интилмоқда.

Мустақиллик қўлга киритилган кун билан бугунги кунимиз ўртасидаги масофа узайиб борган сари, босиб ўтган йўлимизни холисона ва атрофлича таҳлил қилиш, амалий хулоса ва сабоқлар чиқаришнинг аҳамияти тобора ортиб боради.

Ёш ўзбек давлатининг жаҳон сиёсат майдонига чиқиши, хорижий мамлакатлар билан ўзаро манфаатли алоқаларни ўрнатиш тажрибаларини умумлаштириш масаласи Ўзбекистоннинг энг янги тарихига оид илмий тадқиқотлар орасида нуфузли йўналишлардан бири бўлиб қолмоқда. Ўзбекистоннинг энг янги тарихида, сиёсатшунослигида ушбу йўналишнинг долзарблиги суверен миллий давлат қурилишининг дастурий вазифаларини белгилашда халқаро алоқаларнинг янги тизимлари қарор топишининг аҳамияти билан изоҳланади. Зеро, мамлакатимиз Президенти И.А.Каримов таъкидлаб ўтганларидек: «Ўзбекистоннинг миллий манфаатларига мос келадиган кўп томонлама фаол ташқи сиёсатини амалга ошириш — давлатимизнинг мустақиллигини мустаҳкамлаш, иқтисодий қийинчиликларни бартараф этиш ва халқ турмушини яхшилашнинг зарур шarti ва ғоят муҳим воситасидир»¹.

¹ Каримов И.А. Ўзбекистон: миллий истиқлол, иқтисод, сиёсат, мафкура. Т.1.- Т., 1996. 50-б.

Ўзбекистон ташқи сиёсатининг асосий тамойиллари Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг асарларида ўзининг ҳар томонлама теран ва мукаммал назарий асосларини топган². Бу тамойиллар, аввало, бошқа мамлакатлар билан ҳамкорликни ривожлантириш ва мустаҳкамлаш жараёнида ўз миллий давлат манфаатларини устун қўйиш билан бир қаторда ўзаро манфаатларни ҳам ҳар жиҳатдан ҳисобга олишга асосланади. Бошқа давлатлар билан муносабатларни ривожлантира туриб, мамлакат ўз эркига, иқтисодий ва сиёсий мустақиллигига раҳна солмаслиги лозим. Зеро, илмий асосланган ташқи сиёсат – «Мамлакатимиз мустақиллигини мустаҳкамлашнинг иқтисодий қийинчиликларини енгиш ва халқ ҳаётини яхшилашнинг муҳим шарти ва асосий омилидир»³.

Ўзбекистоннинг миллий мустақилликка эришиши, унда ҳуқуқий-демократик давлатнинг ҳамда фуқаролик жамиятининг барпо этилиши ва бозор иқтисодиёти муносабатларига ўтилиши жамиятнинг сифатий ҳолатларига, ўзига хос моҳияти ва ривожланиш қонуниятларига, унинг халқаро аҳволига, бошқа мамлакатлар билан ўрнатиладиган муносабатлари тамойиллари ва меъёрларига туб ўзгартиришлар киритди.

Бу эса жаҳон ҳамжамиятига аъзо мамлакатлар, жумладан, Осиё мамлакатлари билан ўзаро муносабатларда моҳият жиҳатидан мутлақо янгича сиёсий муаммоларни туғдирди.

² Каримов И.А. Ўзбекистоннинг ўз истиқлол ва тараққиёт йўли. // Ўзбекистон: миллий истиқлол, иқтисод, сиёсат, мафкура. Т.1.- Т., 1996. Яна қаранг: Каримов И.А. Ўзбекистон – бозор муносабатларига ўтишнинг ўзига хос йўли.- Т.,1995.

³ Каримов И.А. Ўзбекистоннинг ўз истиқлол ва тараққиёт йўли. // Ўзбекистон: миллий истиқлол, иқтисод, сиёсат, мафкура. Т.1.- Т., 1996. 36-82 б.

Узоқ йиллар давлатлараро муносабатларни, давлатлар ташқи иқтисодий фаолиятини тадқиқ қилиш конфронтацион характерда бўлиб келди. Турли мамлакатларнинг ташқи сиёсий йўналишлари бир-бирига қарама-қарши қўйилди, кескин мафкуравий курашлар доирасида, синфий ёндашув тамойили бўйича ҳаддан ташқари бўрттириб кўрсатилди, давлатларнинг ривожланишидаги умумий жиҳатлар, улар орасида бз бераётган объектив интеграцион жараёнлар эътибордан четда қолдирилди. Буни, айниқса, давлатлараро муносабатларни тадқиқ қилиш соҳасида яққол кузатиш мумкин эди. Ўзбекистон мустақилликка эришганидан сўнггина уларнинг аксарияти билан рўбару келди. Ёш ва мустақил Ўзбекистон давлати жаҳон ҳамжамияти билан ўз муносабатларини ўрнатиши зарур эди, бироқ бунинг учун унда давлатлараро муносабатлар, ўзга мамлакатлар билан ҳамкорлик борасида ҳеч қандай билим, тажриба ва, ҳатто, назарий база ҳам мавжуд эмас эди. Объектив ривожланиш мантиқининг ўзи барча мамлакатлар ва халқларнинг миллий белгиларидан, ғоявий эътиқодидан, динидан қатъи назар бир-бирлари билан яқинлашувини, интеграциялашув жараёнларининг кенг қулоч ёзишини, бошқа мамлакатлар билан ҳамкорлик қилишини зарурат қилиб қўйди. Шу сабабли ҳам давлатлараро ҳамкорлик соҳасида юз берган ўзгаришларга сифат жиҳатидан мутлақо янгича талқинлар билан баҳо бериш, уларни ҳам глобал миқёсларда, ҳам минтақавий муносабатлар доирасида таҳлил этиш муҳим ва долзарб мавзу бўлиб қолмоқда. Тўпланган тажрибани комплекс равишда ўрганиш, уни Ўзбекистон Республикасининг Осиё мамлакатлари билан амалда йўлга қўйган ўзаро муносабатлар билан уйғунлаштириш, қиёслаш нафақат бу

ҳамкорликнинг ижобий шакллари ва воситаларини умумлаштириш имконини, балки Ўзбекистоннинг ташқи сиёсий ҳамда иқтисодий фаолияти учун зарур бўлган тавсияларни бериш имконини ҳам беради¹.

Янги тарихий шароитда Ўзбекистоннинг халқаро майдонда тутган ўрни, унинг жаҳон мамлакатлари, хусусан Осиё минтақаси мамлакатлари билан ўрнатган ҳар томонлама муносабатларига алоқадор жараёнларни илмий таҳлил этиш ниҳоят долзарб бўлиб қолди. Ўзбекистоннинг айниқса, Осиёдаги янги индустриал мамлакатлар – «Осиё йўлбарслари» ёки «Осиё кичик аждарҳолари» мамлакатлари билан ўзаро ҳамкорлиги муаммоларини тадқиқ қилиш бу ҳамкорликнинг мустақил Ўзбекистон ҳаётининг барча жабҳаларига – иқтисодиётдан тортиб то маънавий-маданий соҳаларигача кўрсатадиган таъсирини аниқлашни, унинг Ўзбекистон тараққиётида нечоғли муҳим омил эканлигини очиқ беришни тақозо этади.

Ўзбекистоннинг Осиёдаги янги индустриал мамлакатлари билан ўзаро ҳамкорлигини ўрганиш бугунги кунда яна шуниси билан аҳамиятлики, у бевосита минтақада ва жаҳонда халқаро барқарорлик ва хавфсизликни таъминлаш вазифалари билан боғлиқдир. Янги дунёвий тартибларни барпо этишнинг сўнгги йиллардаги тажрибаси шуни кўрсатмоқдаки, миллий, минтақавий, шунингдек, халқаро хавфсизлик ва барқарорликни таъминлашда ҳарбий кучлар эмас, балки сиёсий, иқтисодий, илмий-техник,

¹ Мулоқот. 2003 йил. №3. 7 б.

технологик, маданий-маърифий ҳамда гуманитар омиллар белгиловчи аҳамият касб этади ва етакчи рол ўйнайди.

Ишнинг объекти. «Осиё йўлбарслари»га Жануби-Шарқий Осиёдаги Япония, Жанубий Корея, Хитой, Гонконг, Сингапур, Тинч океан ҳавзасидаги Малайзия ва ҳоказолар билан ҳамкорлик кўриб чиқилади. Мазкур давлатлар билан Ўзбекистон ўрнатган ўзаро ҳамкорлик муносабатлари айниқса самарали ва эътиборга молик жиҳатларга бойдир.

Ишнинг хронологик доираси чуқур янгиланишлар ҳамда тараққиёт жараёнларидаги асос вазифасини ўтаган 1991-2008 йиллар оралиғидаги даврни қамраб олган.

Мавзунинг ўрганилиш даражаси. Мавжуд адабиётларнинг изчил, тизимли таҳлили шунини кўрсатдики, мустақил Ўзбекистоннинг Осиё мамлакатлари билан амалга ошираётган халқаро ҳамкорлиги масаласи ижтимоий фанларда етарлича ўзифодасини топмаган. Шундай бўлса-да, мустақиллик шароитида ёш ўзбек давлатининг халқаро майдонга мустақил равишда чиқишининг мафкуравий ва амалий жиҳатларини англашга, таҳлил қилишга интилишлар кўзга ташланади. Масалан, А.Алимов, М.Бобоҳўжаевнинг ҳамда А.Расулев, А.Бедринцев, А.Оқиловларнинг тадқиқоларида Ўзбекистон халқ хўжалигини ислоҳ қилишнинг босқичлари ва моҳияти «очиқ иқтисодиёт» моделини амалга ошириш, шакллантириш жараёнлари билан уйғунлаштирилган ҳолда, жаҳон тажрибалари асосида берилган, мамлакатимизнинг дунё хўжалигига интеграциялашувининг асослари ва омиллари очиқ берилган, давлат суверенитети

шароитида ташки сиёсий фаолият юритиш жараёнлари тадқиқ этилган¹.

А.Қосимов ва И.Васькинларнинг китобида давлатлараро муносабатларнинг асосий йўналишлари, тамойиллари ва устувор жиҳатлари баён этилган, Ўзбекистоннинг етакчи халқаро ва минтақавий ташкилотларга аъзо бўлиб кириш йўллари кўздан кечирилган. Г.И.Каримова эса ўз тадқиқотида Ўзбекистоннинг халқаро ҳамжаиятда тутган геополитик ўрнини очиб беришга ҳаракат қилган, Ўзбекистоннинг бозор иқтисодиети муносабатларига «шок терапияси»сиз ўтишининг ўзига хос жиҳатларини таҳлил қилган². Мустақил Ўзбекистоннинг Европа давлатлари билан халқаро ҳамкорлигига оид умумий маълумотлар Э.З.Нуриддиновнинг диссертациясида ўз ифодасини топган¹.

Олий ўқув юртлари талабалари учун чиқарилган бир қатор янги авлод дарслик ва ўқув қўлланмаларида ҳам мавзу бўйича қисқача умумлаштирилган маълумотлар мавжуд. Жумладан, «Ўзбекистон тарихи», «Ўзбекистон ва жаҳон ҳамжамияти», «Ўзбекистоннинг жаҳон ҳамжамиятига интеграциялашуви», «Янги Ўзбекистоннинг 9 зафарли йили» каби дарслик ва ўқув қўлланмаларида Ўзбекистоннинг хорижий Осиё мамлакатлари билан ҳамкорлигига қисқача тавсиф берилган². «Ўзбекистоннинг

¹ Алимов А. Внешнеполитическая деятельность Республики Узбекистан: взгляд в будущее.- Т.,1992; Бабаходжаев М. Республика Узбекистан: очерки межнациональнўх и межконфессиональнўх отношений, внешнеэкономических связей; Расулев А., Бедринцев А., Акилов А. Узбекистан: внешнеэкономическая деятельность и интеграция в мировое хозяйство.- Т.,1996.

² Касўмов А., Васькин И. Основнўе направления внешней политики Республики Узбекистан.-

Т.,1994;Каримова Г.И. Политико-экономические реформў в Узбекистане: реалии и перспективў.- Т.,1995

¹ Нуриддинов Э.З. Международное сотрудничество Узбекистана со странами Европў в условиях независимости.- АДД.- Т.,2000.

² Ўзбекистон тарихи.- Т.:Янги аср авлоди, 2003; Усмонов +. Ўзбекистоннинг жаҳон ҳамжамиятига интеграциялашуви.- Т.:Молия, 2003; Ўзбекистон ва жаҳон ҳамжамияти – Т.,2002

янги тарихи» мажмуасининг 3 китоби «Мустақил Ўзбекистон тарихи»да бу ҳақда бирмунча кенгроқ тўхталиб ўтилган³.

Бундан ташқари мазкур мавзуга оид маълумотларни даврий матбуотда, Интернет саҳифаларида топиш мумкин. Эътиборлиси шуки, бир қатор сайтларда энг сўнгги янгиликларни учратиш мумкин.

Шундай қилиб, бугунги кунда мустақил Ўзбекистоннинг хорижий мамлакатлар билан икки томонлама ва кўп томонлама алоқа ўрнатиш тажрибаларини ва уларнинг ривожланиб бориши бир қатор адабиётлар ёритилган. Бироқ ҳали тадқиқ этилмаган, қисман еритилган қатор масалалар ўз ечимини кутмоқда. Ўзбекистоннинг хорижий Осиё мамлакатлари, хусусан Осиёдаги янги индустриал мамлакатлар – Осиё йўлбарслари билан ҳамкорлиги масалалари ана шулардан биридир.

Ишнинг мақсад ва вазифалари. Битирув-малакавий ишнинг мақсади Ўзбекистоннинг Осиёдаги янги индустриал мамлакатлари билан ўзаро ҳамкорлиги масалаларининг амалий жиҳатларини очиб бериш, унинг халқ фаровонлигининг ошишига, мамлакатимизнинг дунё ҳамжамиятига қўшилишига таъсирини баён қилишдан иборатдир.

Ушбу мақсад қуйидаги вазифаларни ҳал қилишни тақозо этади:

- Янги индустриал мамлакат ҳақида маълумот бериш;

³ Ўзбекистоннинг янги тарихи. 3 китоб. Мустақил Ўзбекистон тарихи.- Т.:Шарқ, 2000

- Янги индустриал мамлакатларнинг иқтисодий юксалиши сабабларини кўрсатиш;

- Ўзбекистоннинг Осиёдаги янги индустриал мамлакатлари билан ўзаро сиёсий, иқтисодий, илмий-техник ва маданий алоқаларининг шаклланиши ва тараққий этишини очиб бериш;

- Ўзбекистон Республикасининг Осиё минтақасидаги янги индустриал мамлакатлари билан ўрнатган кўп қиррали муносабатларини ривожлантиришга асос бўлувчи иқтисодий имкониятларни таҳлил қилиш;

- Мамлакатимизнинг Осиёдаги янги индустриал мамлакатлари билан ҳамкорлигида иқтисодий ва маданий алоқаларнинг етакчи ролини очиб бериш;

- Ўзбекистоннинг янгиланиш ва тараққиёт йўлидан илгарилаб оришида илмий-техник алоқаларнинг, маориф ва кадрлар тайёрлаш, маданий-гуманитар соҳалардаги ҳамкорликнинг аҳамиятини кўрсатиш;

- Ватанимизнинг Осиё мамлакатлари билан ҳамкорлигининг халқаро сиёсатда, Марказий Осиё минтақасидаги ва умуман дунёдаги хавфсизликни ва барқарорликни таъминлашдаги аҳамиятини очиб бериш;

- Ўзбекистон давлатининг хорижий мамлакатлар билан алоқаларини янада кенгроқ қулоқ ёздиришга ҳамда унинг глобал интеграциялашув жараёнларида, дунё интеграциясининг таркибий қисми сифатидаги иштирокини фаоллаштиришга имкон берувчи асосий омилларни аниқлаш.

Ишдаги янгиликлар ва эришилган натижалар. Мазкур БМИда Осиёдаги янги индустриал мамлакатлар ҳақида тушунча берилиб, улар билан мустақил Ўзбекистоннинг ўзаро ҳамкорлиги комплекс таҳлил қилинган. Ушбу ҳамкорликнинг иқтисодий, сиёсий, илмий-техникавий, маданий жиҳатлари кўриб чиқилган.

Ўзбекистоннинг Осиё мамлакатлари билан ҳар томонлама алоқаларини ўрнатишдаги, тинчликни таъминлашдаги аҳамияти асослаб берилган. Мустақил Ўзбекистоннинг Марказий Осиёда коллектив хавфсизлик тизимини ташкил қилиш, хавфсизлик ва барқарорликни таъминлаш, шунингдек, диний экстремизм, халқаро терроризмга қарши курашиш, Орол денгизи муаммоларини ҳал қилиш, Марказий Осиёни ядровий қуроллардан холи зонага айлантириш мақсадларида барча кучларни бирлаштириш йўлида олиб борилаётган ташқи сиёсий ҳамкорликлари ифодалаб берилган. Осиёдаги янги индустриал мамлакатлари билан ҳамкорликнинг мамлакатимизда олиб борилаётган ислоҳотларга таъсири баён этилган. Иқтисодиётни барқарор ривожланишини таъминлашда хорижий инвестицияларни кенг жалб қилиш, қўшма корхоналар ташкил этиш жараёнлари талқин этилган. Ушбу ҳамкорликларнинг Ўзбекистоннинг дунёдаги мавқеини кўтарилишига, халқ фаровонлигининг, маданий даражасининг ўсишига ижобий таъсири кўрсатилган. Илмий-техникавий, маданий-маънавий, маориф ва кадрлар тайёрлаш соҳасидаги ҳамкорликнинг асосий ютуқлари баён қилинган.

Ишнинг методологик асослари. Ишга методологик асос бўлиб Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг

асарлари хизмат қилган. Мазкур асарларда Ўзбекистон ташқи сиёсатининг асосий тамойиллари, Ўзбекистоннинг Осиё мамлакатлари билан ўзаро ҳамкорликларининг асосий йўллари таҳлил этиб берилган. Ишда статистик маълумотлар, вақтли матбуот, Интернет маълумотларидан ҳам фойдаланилган.

Ишнинг назарий ва амалий аҳамияти шундан иборатки, у Ўзбекистоннинг Осиёдаги янги индустриал мамлакатлари билан ўзаро ҳамкорлиги масалаларини тадқиқ этишга муайян ҳисса бўлиш қушилади.

Ишда жамланган назарий умумлаштирилган материаллардан мустақил Ўзбекистоннинг энг янги тарихини яратиш бўйича умумлаштирувчи ишлар яратишда, республикамиз халқаро фаолиятига бағишланган рисоалар, курс ишлари ёзишда, маъруза-семинар машғулотларини ташкил этиш ва олиб боришда фойдаланиши мумкин.

Ишнинг таркибий тузилиши. Мазкур БМИ мазмун-моҳиятига кўра Кириш, иккита боб, Хулоса ҳамда Фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат.

**1-БОБ. “ЯНГИ ИНДУСТРИАЛ МАМЛАКАТЛАР” (ЯИМ)НИНГ
ХАЛҚАРО ИҚТИСОДИЙ МУНОСАБАТЛАРИ** 1.1. “Янги
индустриал мамлакатлар” нинг умумий характеристикаси

XX асрнинг 60-80 йиллари ривожланаётган мамлакатларнинг умумий тузилишида глобал ўзгаришларни вужудга келтирган давр бўлиши билан бир қаторда, ЯИМ ижтимоий –иқтисодий тузилишида ҳам юксак ўзгаришлар даври бўлди. “Янги индустриал мамлакатлар” ривожланаётган мамлакатларнинг купчилигидан параметрларнинг барча системалари буйича ажралиб туради. ЯИМни ривожланаётган мамлакатлардан фарқланиб турувчи томонлар, уларни ривожланган капиталистик

мамлакатлардан ҳам ажратиб туради. Улар ривожланишнинг “Янги индустриал” модели сифатида мавжуддир. Бу характерли томонлар, Лотин Америкасидаги ҳамда Осиёдаги ЯИМнинг ривожланиш тажрибасини таҳлил қилиш жараёнида аниқ кўзга ташланади.

Лотин Америкасидаги ЯИМ ривожланиш тажрибасининг муҳим ролини пасайтирмасдан туриб шу нарсани таъкидлаб ўтиш жоизки, Осиёдаги ЯИМ, айнан: Жанубий Корея, Тайвань, Гонконг, Сингапур, кўпчилик озодликка эришган мамлакатлар учун халқ хўжалигининг ички динамикаси бўйича ҳам, ташқи иқтисодий муносабатларнинг экспансияси бўйича ҳам, ривожланишнинг ўзига хос намунаси бўлиб қолдилар. Одатда, “Янги индустриал мамлакатлар” қаторига Осиёдаги тўртта қайд этилиб ўтилган Жанубий Корея, Тайвань, Гонконг, Сингапур, шу билан бир қаторда Лотин Америкасидаги ЯИМ –Аргентина, Бразилия, Мексика каби мамлакатлар тааллуқли бўлиб ҳисобланади. Номма–ном санаб ўтилган барча мамлакатлар ЯИМларнинг биринчи авлодлари ёки биринчи қалдирғочлари бўлиб ҳисобланади. Уларнинг орқасида “ЯИМ”нинг сўнгги авлодлари етишиб чиқмоқда. Масалан: иккинчи авлод мамлакатларига Филиппин, Хитойнинг Жанубий чегаралари ва бошқалар киради. “Янги индустриаллашувнинг” бутун бошли зоналари, яқин минтақаларда ўз таъсирини ўтказаяётган иқтисодий ўсувчанлиги юқори бўлган қутблар пайдо бўлмоқда.

БМТ томонидан ишлаб чиқарган методика бўйича ЯИМ қаторига кировчи мамлакатлар у ёки бу мезонлар бўйича алоҳида ажралиб туради. Улар қуйидагилардан иборатдир:

- Аҳоли жон бошига тўғри келадиган ялпи ички маҳсулотларнинг миқдори;
- Унинг ўртача йиллик ўсиш суръати;
- ЯИМ таркибидаги қайта ишлаш саноатининг умумий миқдори. У 20% атрофида

бўлиши керак; ● Чиқариладиган товарлар умумий микдорига нисбатан саноат маҳсулотларининг улуши ва экспорт микдори; ● Хорижий мамлакатларга чиқариладиган тўғридан –тўғри инвестицияларнинг умумий микдори.¹ Бу кўрсаткичлар буйича ЯИМ нафақат ривожланаётган мамлакатлар олдида ажралиб туради, балки айрим ҳолларда бир қатор саноати ривожланган мамлакатлар ҳам ушбу кўрсаткичлар бўйича устунликка эга бўлади. Масалан, Тайвань, 1952-93 йиллар оралиғида ЯИМ ҳажмини 170 маротаба ўстирди (аҳолининг ўсишига нисбатан 2,5 маротаба ортиқроқдир), ташқи савдо ҳажмини эса 543,6 маротабага оширди. Инфляциянинг паст даражада сақланганлиги шароитида –3,6%, иқтисодий ўсишнинг уртача йиллик суръати 8,7% ташкил этди. Тайвань ижтимоий ривожланиш кўрсаткичлари бўйича дунёнинг илгор мамлакатлари қаторига киритилади. Аҳолисининг жон бошига тўғри келадиган ЯИМ нинг ҳажми 12 минг долларни ташкил қилади. (90 йилларнинг урталарида)¹. Осиё регионидagi мамлакатларнинг 30 йил оралиғидаги иқтисодий ривожланиш суръати ҳисоблаб қўрилганда (1960-1990) унинг микдори йилига 5%ни ташкил этган, уша пайтда бу кўрсаткич Европа мамлакатларида 2%га тенг бўлган. Бу пайтда, Тайванда ўсиш суръати жуда юқори бўлган. Шунингдек, 90 йилларда Ж.Корея 8%, Сингапур 8%, Малайзия 9% йиллик ўсиш суръатига эга бўлган. “Янги индустриал мамлакатлар” иқтисодий ривожланиш суръатининг юқорилиги улар аҳолисининг яшаш шароитлари яхшилаб бораётганлиги билан уйғунлашиб кетади. Шунингдек, 60 йилларнинг урталаридан 90 йилларнинг бошларига қадар ўтган давр ичида аҳоли жон бошига тўғри келадиган йиллик

¹ www.krugoswet.ru

¹ Новейшая история. М., 1992. С.132

даромад бу мамлакатларда 4 мартаба унди. Халқаро экспортларнинг прогноз килишича, 2010 йилга бориб шарқий Осиё Гарбий Европани ялпи миллий маҳсулотнинг ҳажми буйича қувию утади, 2020 йилга борганда эса Шимолий Американи қувиб утади. 1 –жадвал. Осиёнинг “Янги индустриал мамлакатлар”идаги ялпи ички

миллий маҳсулотнинг ўсиш суръати (%)да

Мамлакатлар	1980-90 йиллар ўрталарида	1991 й	1992 й	1993 й	1994 й	
Жанубий Корея	9,9	8,3	7,3	6,4	7,6	
Тайвань	8,3	7,3	6,7	6,7	6,9	
Гонконг	7,1	4,0	5,8	5,4	5,5	
Сингапур	6,3	7,0	6,1	6,0	6,1	
Малайзия	5,1	8,6	8,5	7,6	7,5	

Сингапур ҳақида шуни алоҳида таъкидлаб ўтиш жоизки, у 1995 йил Жанубий шарқий Осиё давлатлари ичида биринчи бўлиб “индустриал ривожланган мамлакат” статусини қўлга киритди. Бундай унвон унга иқтисодий ҳамкорлик ва ривожланиш ташкилоти (ИХРТ) томонидан расман эълон қилинди. Барқарор иқтисодий ўсишнинг 3 йиллиги давомида Сингапурга нисбатан паст ривожланган 10 мамлакат доирасидан ажралиб чиқиб, дунёнинг бой давлатлари қаторидан жой олди. (аҳоли жон бошига тўғри келадиган ялпи миллий маҳсулот ҳисобига). Сиёсий барқарорлик шароитида мамлакатнинг саноати йилига ўртача 8,4% тезлик

оборотиға эға бўлди, мамлакатдаги аҳолининг ҳам бири эса уз яшаш даражасини уртача етти маротаба орттирди. Сингапурдаги хар бир аҳолининг уртача статистик даромади 1995 йилда 22,3 долларни ташкил этди. АКШ собик метрополиялар ҳисобига Буюк Британиядан анча юқори туради. Ўз навбатида Гонконг ҳам Буюк Британиянинг собик колонияси бўлиб ҳисобланар эди, кейинчалик эса у купчилик ижтимоий-иқтисодий курсаткичлар буйича узининг метрополияли даражасидан юқори поғонаға кўтарилди.

1.2. ЯИМ иқтисодий моделларининг ўзига хос томонлари.

“ЯИМ”нинг иқтисодий модели ва унинг муваффақиятли ривожланиш томонлари караб чиқиладиганда, унинг муваффақиятларини таъминлаб берувчи ташқи ва ички даражасидан юқори омиллар хусусида ҳам тўхталиб утилади. Кўриниб турибдики, омилларнинг бу икки гуруҳ, ЯИМ ҳукуматлари томонидан олиб бориладиган нозик, мақсадли сиёсатлар орқали тўлдириб турилади. “ЯИМ”нинг ички тузилишидаги муаммоларға, ҳамда уларнинг хужалик механизмлари тадрижига асосий эътиборни қаратмасдан, ЯИМ ташқи иқтисодий омилларининг узига хос томонлари ва унинг Осиё “аждархолари”нинг қучайиб боришидаги ҳамда Лотин Америкаси ЯИМининг ривожланишидаги рол хусусида тухталиб утамыз. Жахон тажрибаси гувоҳлик бермокдаки, халқаро иқтисодий ҳамкорликка актив қиришадиганда, у ёки бу мамлакатлар асосий ишни хорижий инвестицияларни жалб этиш ҳамда ташқи савдонинг ўсишиға зарурий бўлиб ҳисобланадиган шароитларни яратишдан бошлайди. Шундай экан, бу мамлакатлар уз иқтисодиётлари доирасида технологик халқларнинг барча

бугинларидан фойдаланган холда таркибий кайта куришларга –хон ашёлардан эса технологик сизими юқори бўлган тайёр махсулотларга ута бошлайди. Тармокларни ривожлантириш ва кайта таъмирлаш учун экспортдан тушган даромадлардан кенг фойдаланиш, халқаро меҳнат тақсимои куламида анча истикболли ва “фойдали” усул бўлиб ҳисобланади. АҚШ, Германия,

Япония каби бир қатор мамлакатлар худди мана шу йуллар орқали тараккий этган. Шунингдек, АҚШ асосан хон ашё, мевалар, пайта, асал, кумир ва шунга ухшаш бир канча махсулотларни экспорт килишдан бошлаган. ГФР эса, 50 йилларда -кумир, кора металллар, химиявий махсулотлар сингари бир канча махсулотларни экспорт килган. Япония тукимачилик, металлургия, химия махсулотларини экспорт килишдан бошлаган¹. 60

йилларда Шаркий Осиё ва Лотин Америкасидаги бир қатор мамлакатлар –“ЯИМ” худди шу йул орқали ҳаракат килдилар. Уларнинг барчаси иқтисодий ўсишнингташки омилларидан самарали фойдаландилар. Шу уринда, саноати ривожланган мамлакатлардан хорижий сармоялар, техника ва технологияларни кенг миқёсда жалб килинганлигини таъкидлаб утиш лозим бўлади. Кайси сабабларга кура “янги индустриал мамлакатлар”ни ривожланаётган дунёдаги бошка мамлакатлардан ажратиб курсиш мумкин?

Бир қатор сабабларга кура, “янги индустриал мамлакатлар” нинг баъзи бирлари саноати ривожланган мамлакатнинг муҳим сиёсий ва иқтисодий манфаатлари таъсир доирасига тушиб қолди. Шунингдек, АҚШнинг сиёсий манфаатлари таъсир доираси, асосан Шаркий Осиё мамлакатларининг “коммунистик таъсирига” карши турувчи Тайвань ва Жанубий Корея мамлакатларига карши каратилди.

¹ Сиева В.А. Трудники четырёх «маленьких драконов». – М.:Наука, 1991. С.45.

Бу мамлакатларга чексиз иқтисодий ва харбий жихатдан куллаб куватлаш ёрдамлари курсатилди. Масалан, Тайванга 1,5 млрд. доллар микдорида ёрдам курсатилди. 1950-1965 йиллар оралигидаги АКШ нинг ёрдами, Тайванда жалб этилган жами инвестицияларнинг 34% ини ташкил этди, шу жумладан 74% инфраструктурага, 59% кишлок хужалигига ва 13% саноатга жалб этилди. Буларнинг хаммаси Тайван иқтисодиётининг ривожланишида ташланган ижобий кадам бўлди¹. “ЯИМ” замонавий иқтисодий таркибининг шаклланишида, тўғридан – тўғри инвестицияларнинг таъсири катта бўлди. 80 йилларнинг биринчи ярмида “ЯИМ” иқтисодиётидаги тўғридан –тўғри инвестицияларнинг микдори, ривожланаётган мамлакатлардаги тўғридан –тўғри сармоя куйилмаларининг 42% ига етди. Саноати ривожланган мамлакатлар орасида АКШ “янги индустриал мамлакатлар” даги ишбилармонлик сармояларининг энг кузга куринган инвестори бўлиб ҳисобланади. Улардаги тўғридан – тўғриинвестицияларнинг ўсиши, хорижий мамлакатлардаги худди шундай инвестициялар умумий микдорининг 10% ини ташкил этади. “ЯИМ” даги тўғридан –тўғри инвестицияларнинг микдори буйича Япония иккинчи уринда туради¹. Япония инвестициялари, “ЯИМ” нинг индустриаллашувига ва улар экспортининг ракобатбардошлигини оширишга имконият яратди. Улар “ЯИМ” ни саноатда кайта ишланадиган махсулотларнинг йирик экспортларига айланишида муҳим роль уйнайди. Бундай инвестициялар факат 1982-1985 йилларнинг узида Тайванда 2 мартадан купрок, Гонконгда 61%га усди. Бу пайтда Япония сармояларининг иштирокида, ушбу мамлакатларни юқори сифатли

¹ Андрианов В.Д. Новые индустриальные страны. - М.: Наука, 1990. С.45

¹ www.bankreferatov.ru

тайёр махсулотларнинг экспортёрлари бўлиб қолишига имкон берувчи йирик ишлаб чиқариш базаси ташкил этилди. 80 йилларнинг бошларидан эътиборан, Япония инвестициялар умумий микдорининг ярмисидан купрогини ташкил этди ва улар иштирокида станоклар, электроника жихозлари, денгиз кемалари ва бошқаларни ишлаб чиқариш бўйича комплекс барпо этилди. Осиёдаги “ЯИМ” учун ну нарса характерли бўлдики, улардаги тадбиркорлик сармоялари, биринчи галда қайта ишлаш саноати ва хом ашё тармоқларига томон йуналтирилди. Уз навбатида, Лотин Америкасининг “ЯИМ” даги ишбилармонлик сармоялари эса, купрок савдо, хизмат курсатиш соҳаси ва қайта ишлаш саноатига жалб этилди. Хориж хусусан сармояларининг кенг микёсда тарқалиши шу нарсага олиб келдики, “ЯИМ” да хорижий сармоялар иштирок этмаган бирорта ҳам иқтисодий тармок қоламди.

Куйида 1993 йилдаги Лотин Америкаси ва Осиёнинг “ЯИМ” бозоридаги куйилмаларнинг даромадлилик даражаси курсатилган (%) ларда: Аргентина –57,96Бразилия –83,5 Мексика –39,87Чили –38,92Индонезия –78,67Ж.Корея –26,03Тайвань –103,98Таиланд –121,27Филиппин –165,18

Куруниб турибдики, Осиёнинг “ЯИМ” идаги инвестицияларнинг даромадлилик даражаси Лотин Америкаси мамлакатлариникидан сезиларли даражада юқоридир.

Конуний шундай савол тугилади: нима учун хориж хусусий сармояларнинг барчаси Осиё минтақасидаги баъзи бир мамлакатларга нисбатан активрок кириб боради? 60 йилларнинг охиригига келиб, дунё хужалиги ривожланишидаги вазият шу қадар мураккаблашдики, трансмиллий корпорациялар ривожланишнинг манфаатлари ва стратегиялари Осиёдаги бир қатор давлатларнинг имкониятлари ва интилишлари билан мослашиб борди. Ривожланаётган мамлакатлар импортидаги турли

хилдаги чеклашлар ва уларнинг унча катта булмаган тулов қобилиятига дуч келаётган трансмиллий корпорациялар, жойларда мос ишлаб чиқаришларни йулга қуйиш мақсадида, сармояларни четга чиқариш орқали товарлар экспортини қисман янгилаш томон қадам қуймоқда. Трансмиллий корпорацияларнинг худди шу йуналишлардаги фаолияти, ривожланган мамлакатлар туйинган бозорларининг конъюктураси, рақобатнинг авж олиши ва ишлаб чиқариш харажатларини пасайтириш учун курашиш орқали амалга оширилмоқда. Трансмиллий корпорациялар, узлари фаолият курсатаётган жойларда ишлаб чиқаришни илмий асосда ривожлантиришга муҳим эътибор қаратади. Харақтерли томони шундаки, “Осиё аждархолари” халқаро иқтисодий конъюктураларининг бундай ўзгаришларни қабул қилишга ва улардан ўз мақсадлари йулида фойдаланишга тайёр эканлиги маълум бўлди¹. Трансмиллий корпорацияларни, айнан Осиё минтақасига жалб қилишда қуйидаги шарт –шароитлар муҳим аҳамият қасб этди. “Янги индустриал мамлакатлар” нинг фойдали жугрофий ахволи. Уларнинг барчаси дунё савдо иқтисодий йулларининг чоррахасида, яъни жаҳон хужалиги марказлари бўлмиш –АҚШ ва Японияга яқинрок жойлашган. “Янги индустриал мамлакатлар” нинг барчасида саноати ривожланган мамлакатларга нисбатан муносиб бўлиб ҳисобланадиган автократик ёки шунга яқин бўлган сиёсий муҳитлар яратилди. Уларда сиёсий барқарорлик таъминланди ва сиёсий ҳамда демократик ўзгаришлар иқтисодий ислохотлар фойдасига томон қаратилди. Хорижий инвесторларга улар инвестицияларининг хавфсизлиги учун юқори даражали

¹ Лаврентьев В.Н, Новые индустриальные страны Азии: перестройка промышленной структуры - М.: Наука, 1990. С.68-69

кафолатлар таъминланди. Осиёдаги “янги индустриал мамлакатлар” аҳолисига хос бўлган меҳнатсеварлик, интилувчанлик, тартиблилик, матонатлилик сингари ноиктисодий омиллар ҳам катта аҳамият касб этади. Бу омилар маълум даражада Осиё ва Лотин Америкасидаги –ЯИМ нинг икки модели уртасидаги узига хос бўлган беллашувда хал қилувчи аҳамиятга эга бўлди. Бу моделларнинг узига хос томонлари нимада? Биринчиси -миллий иқтисодиётнинг ташки бозор ва экспортга томон устивор йуналишлар орқали ривожланишини тушунтириб беради. Иккинчи модель –импорт урнини эгаллашга қаратилган. Юқорида биринчи моделда курсатиб утилгандек, асрнинг охирига келиб АКШ, иккинчи жаҳон уришудан кейин – Гарбий Овропа давлатлари, Япония, кейинчалик эса Осиёнинг ЯИМ ҳам шу йулдан боришди. Иккинчи модель эса сезиларли даражада Лотин Америкасининг Яим томонидан узлаштириб олинди.

1.3. ЯИМ –халқаро меҳнат тақсимооти системасида.

Жаҳон тажрибаси шуни курсатадики, импор урнини эгаллашга қаратилган ишлаб чиқаришни ривожлантириш стратегиялари бир қатор ривожланган мамлакатларнинг ик тараққиётида муҳим роль уйнайди. Импорт урнини эгаллаш стратегиялари хужалик таркибининг хилма –хиллигини таъминлаш имкониятини яратади. Қупчилик ривожланаётган мамлакатларда улар учун янги ва муҳим бўлиб ҳисобланувчи мамлакатларда, улар учун янги ва муҳим бўлиб ҳисобланувчи бир қатор ишлаб чиқариш тармоклари барпо этилди, қупчилик муҳим йуналишлар буйича уз –узини таъминлаш даражаси усди. Шунингдек, импорт урнини эгаллашнинг динамик ва самарали даври, вақтнинг қуп

оралигини банд этмайди. Иқтисодиётни тубдан ислох қилишда асосий йул бўлиб ҳисобланувчи импорт урнини эгаллашга мулжалланган ишлаб чиқаришни ривожлантиришни асосий уринга қуйувчи барча мамлакатларда уз-уздан жиддий инкирозлар бўлиб утмокда. Гап шундаки, хорижий компаниялар имтиёзли кредитлар ва бошқа томондан ракобатлилик мухитининг йуклиги ва протекционизмга асосланган миллий иқтисодиёт фаолият курсатишининг “қуллаб –қувватлаб турилувчи” мухити, тез мослашувчан ва самарали иқтисодий тизимларнинг вужудга келишига йул қуймади. Умуман олганда, импорт урнини эгаллаш сиёсати, ривожланаётган мамлакатлар фаолиятининг дунё хужалигида туб ўзгаришлар ясашига йул қуймайди. Бундан ташқари, импорт урнини эгаллаш сиёсати нафакат ташқи омилларни пасайишига йул қуймайди, балки унинг ўсишини ҳам таъминлайди. Импорт урнини эгаллаш принципларига узок вақт таянилганда, колоклигини бартараф этиш имконияти пайдо бўлади ҳамжа микёсидаги тараккиётга эришишни таъминловчи иқтисодиётдаги етакчи тармоқларни вужудга келишга халакит берувчи тусикларга барҳам берилади. Протекционизм, ички бозорларни ва бизнесни химоя қилиш соралари сифатида қисман самарасиз ишалётганига қарамасдан, унинг монопол ҳолати ва баҳоларининг кескин усаётганлигидан фойдаланиб фойда олаётган маҳаллий қорхоналарни қуллаб –қувватлайди¹. Импорт урнини эгаллаш даври, қупчилик, ривожланаётган мамлакатларда, шу жумладан “янги индустриал мамлакатлар” да ҳам уз нихоясига етди. Импорт урнини эгаллаш стратегияси Лотин Америкасидаги ЯИМ (Бразилий, Аргентина, Мексика) учун хилма

¹ Лаврентьев В.Н, Новые индустриальные страны Азии: перестройка промышленной структуры - М.: Наука, 1990. С.76

–хил миллий иқтисодиётни барпо этиш ва бир қатор товарларни ишлаб чиқариш буйича жаҳонда салмокли уринни эгаллаш учун имкониятлар яратиб, узининг ижобий ролини уйнайди. Нима бўлганда ҳам бу мамлакатлар саноати ривожланган мамлакатларга нисбатан колоклик даражасини бартараф этиш учун зарурият бўлган шарт –шароитларни ярата олмадилар. Лотин Америкасидаги ЯИМ кучайиб иқтисодий потенциалга эга бўлишларига карамасдан, Осиёдаги ЯИМга нисбатан анча колок бўлиб ҳисобланади. Масалан, Бразилиянинг ялпи ички махсулоти (ЯИМ) Шаркий Осиёдаги “янги индустриал мамлакатлар” нинг умумий ялпи ички махсулотига нисбатан бироз камрокдир. Лотик Америкасидаги экспортининг салмокли ўсишига эга булмасдан туриб, уз иқтисодиётларини талаб даражасида тубдан ислох қилишга эриша олмадилар. Иқтисодий ўсиш суръатларининг натижаларига караб, ички иқтисодий муаммоларни бартараф этиш учун камчиликларга йул қуйилди. Бир вақтнинг узида ташки муаммолар ҳам вужудга келди, экспортнинг паст даражада ўсиши, тулов баланси дефицитнинг ҳамда барча янги кредитларга бўлган талабларнинг ўсишига имконият яратди. Бу мамлакатлар саноати тараккий этган мамлакатлардан энг илгор булмаган техника ва технологияларни колоклик амалга оширилган бундай сиёсатда мустахкамланиб колаверади. Кайд этиш жоизки, Лотин Америкасидаги янги индустриал мамлакатлар 90 йилларнинг урталарига келиб 80 йилларнинг узок давом этган инкирозидан чиқиб олди. Амалга оширилган либераль иқтисодий ўсиш суръатлари кайтадан ортиб бормокда, савдо балансининг ижобий савдосига эришилмокда (Бразилия, Чили). Лотин Америкасидаги йирик ЯИМ дан бири бўлиб ҳисобланувчи Бразилияда олиб борилаётган сиёсат –бу ерда янгидан очик

иктисодиётни яратишга мулжаллангандир. Бунинг учун ички бозорларда ракобат курашуви мухити яратилаётган бўлиб унга боғлиқ холда импорт тарифларида пасайиш кузатилмокда. 1995 йилга бориб МЕРКОСУР мамлакатлари уртасида божхона чекланувчиларини тулик олиб ташлаш хакида режалаштирмокда. Ушбу эркин савдо зоналарининг таркибига: Бразилия, Аргентина, Парагвай ва Уругвай мамлакатлари киради. Янги ислохотларнинг канчалик муваффикиятли кечишини якин келажак курсатади. Осиёдаги “янги индустриал мамлакатлар” иктисодиётининг экспортга мулжалланган анча самарали ва тез мослашувчан моделини жорий этдилар. Бу модель, маълум давр мобайнида бир вақтнинг узида импорт урнини эгаллаш сиёсатини уз ичича олади. Экспортга мулжалланган сиёсат урнини эгаллашга мулжалланган индустриаллашувнинг тугалланган даврини қайта содир этишни талаб этмайди. Импорт урнини эгаллаш ва экспортга мулжалланган сиёсат бир –бири билан тенгма –тенг холда ҳақарат қилиб, баъзи даврларда эса улар бир –биридан устунликка ҳам эга бўлиши мумкин. Шу билан бир қаторда экспортни кенгайтириш даврига еппасига утиш олдидан, импорт урнини эгаллаш мамкалар ишлаб чиқаришининг замонавий тизимлари шаклланишининг бошида халқ хужалиги анъанавий секторини қайта қуриш учун ҳаракат қилишди. Бунинг натижасида эса, индустриаллашувга утиш мумкин булар эди¹. Шаркий Осиёдаги, шунингдек жанубий Шаркий Осиёдаги қупчилик мамлакатларда (Тайванда, 50 –йилларда Жанубий Кореяда; 60 йилларда –Малайзияда; 60 йиллар 70 йилларнинг бошларида –Таиландда; 50 йилларнинг бошлари 60 йилларнинг охирида Филиппинда;) импорт урнини эгаллаш сиёсати устувор йуналишга эга бўлди. Гонконг ва маълум

¹ www.bankreferatov.ru

даражада Сингапур, узларининг тарихий шарт –шароитлари, жугрофий жойлашуви ва ички талабнинг секланганлиги таъсирида ишлаб чиқаришни купрок экспортга каратдилар. Махаллий ишлаб чиқаришни рағбатлантирувчи чора –тадибрлар, кайта ишлаш саноатидаги фойда меъёрини оширишга олиб келиши, истеъмол махсулотлар, сунгра эса оралик талабга эга товарлар ва узок муддатли фойдаланишга мулжалланган товарлар ишлаб чиқарувчи тармоқларнинг аста –секинлик билан импорт урнини эгаллашга олиб келиши керак.

Жанубии Корея шу йилларнинг узида жахон бозорига худди шу махсулотларнинг мос равишда 2,9; 3,4; 9,6; 9,3; 11,1 ва 9,6% ини етказиб берди. Бундан ташкари, унинг жахон кемасозлик саноати экспортидаги улуши 13,1% га тўғри келди¹.

Осиё “Янги индустриал давлатлари” саноат экспортининг юқори динамикасини таъкидлаган холда, айтиш керакки, анъанавий товарлар экспорти ташки савдо оборотида аввалгидек мухим, айрим товарлар буйича эса хал килувчи уринни эгалларди. Масалан, хом ашё ва озик-овкатнинг Жанубии Корея ва Тайван экспортидан улуши мос равишда 7,1 ва 7% га тенг эди. 1990-91 йилларда экспортда киймати буйича иккинчи уринни Жанубий Кореяда пойафзал, Тайванда эса уйинчоклар ва спорт товарлари эгалларди.²

Жанубии Корея экспортида туртинчи уринда ҳамон синтетикадан тайёрланган текстил товарлари, Тайванникида еттинчи уринда пойафзал туради. Осиё “Янги индустриал давлатлари” экспорти айникса машина ва ускуналар экспорти фондида Хиндистон ва Лотин Америкаси ЯИД нинг кучсизланиши сезиларлидир. Агар Лотин Америкаси ЯИД товар экспортининг ривожланган давлатлар умумий экспортидаги улуши

¹ Новые индустриальные страны в мировой экономике. – Свердловск, 1999. С.35

² Уша жойда

1992 йилда 1980 йилга нисбатан унчалик камаймаган (-0,5%) булсада, машина ва ускуналар улуши карийб 1,8 баробар камайди¹. Айнан шу машинтехник махсулотлар экспорти ривожланган давлатларнинг халкаро меҳнат таксимотидаги ҳолатлари яхшиланишининг энг муҳим омилидир. Осиё “Янги индустриал давлатлари”нинг фаол ташки савдо сиёсати 90-йиллар бошида АКШнинг Осиё-Тинч океани региони давлатлари билан йиллик узаро савдоси ҳажми (128,4 млрд. долл.) биринчи марта Ғарбий Европа билан савдо обороти (117,1 млрд. долл.) юқори бўлди. Бунда Осиё ЯИД (Японияни қушиб ҳисоблаганда) АКШ бозорида автомобиллар ва электронтехниканинг 30% ини, текстил ва тикувчилик махсулотларининг 50% ини эгаллайди. Ривожланган мамлакатлар орасида энг йирик чет эл капитали импортёри бўлган “Янги индустриал давлатлар” 80-йиллар охиридан чиқишнинг географияси анча кенг. Бу аввало, илгор саноати ривожланган давлатлар, Осиё-Тинч океани регионидаги ривожланаётган давлатлар, капиталнинг янги бозорларидир. Масалан, Жанубий Корея фирмалари АКШда аниқ мақсадга йуналтирилган экспорт экспансиясини утказмоқдалар. Америка иқтисодиётига капитал қуйиб, Жанубий Кореяликлар энг янги технологияларга йул очмоқдалар. Бошқа Осиё “аждархо”ларига ҳам капитал олиб чиқишни қупайтирмоқдалар. Масалан, Тайваннинг китъадаги қариндоши Хитойга бўлган қизиқиши жуда сезиларлидир. 90-йиллар урталарида Тайваннинг ХХРдаги инвестициялари 9 млрд. долл.дан ошиб кетди. Уз навбатида Гонгконглик ишбилармонлар ХХРда руйхатга олинган қушма қорхоналарнинг ярмидан қупогини ташкил қилганлар. Кейинги йилларда Осиё ЯИД Россия товар ва инвестициялар

¹ Новые индустриальные страны в мировой экономике. – Свердловск, 1999. С.38

бозорларида ҳам фаоллик курсатмокдалар. Бу ерда олдинги уринда Корея Республикасининг ишбилармонлари бормокдалар. Айтиб утиш керакки, Осиё-Тинч Океани региони давлатларининг ички регионал товар айирбошлаш (1,9-2,1 трлн долл.)дан Россия ҳисобига бор-йути 1% тўғри келади. Бу эса, Россиянинг буюк Осиё-Тинч океани давлати деган мавкеига мос келмайди. Шунинг учун “янги индустриал давлатлар” билан ҳам, Осиё-Тинч океани минтақасининг бошқа давлатлари билан ҳам савдо-иқтисодий алоқаларни фаоллаштириш Россиянинг муҳим стратегик вазифасидир¹. XX-асрнинг 50-йилларида руй берган *жахон хужалиги* байналмилаллашуви жараёнининг тезлашиши ривожланаётган давлатларни, биринчи навбатда “янги индустриал давлатлар”ни ҳам камраб олди. Ишлаб чиқариш, меҳнат ва капитал бозорлари товар айирбошлаш жараёнларининг байналминаллашишига молия бозорларининг байналминаллашуви кушилди. Бу ЯИД нинг валюта ахволи кучайиши ва уларнинг кредит имкониятининг ўсиши, миллий молия бозорларининг ривожланиши, молиявий салоҳиятининг ошиши билан боғлиқ. Купгина “янги индустриал давлатлар” миллий молия бозорлари ташкил топишининг биринчи боскичидан утдилар ва улар фаолиятини либераллаштиришнинг иккинчи боскичига киришдилар. Бу эса уларнинг халқаро молия муносабатлари тизимига фаол интеграциялашувига асос яратилди. Капитал ҳаракати байналминаллашуви жараёни хатто ривожланган давлатлар орасида ҳам якунланишдан узок, ривожланаётган давлатлар ҳақида гапирмаса ҳам бўлади. Шунга қарамадан, баъзи бир “янги индустриал давлатлар” бу йулда сезиларли қадамлар қўйдилар. Бунга 70-йилларда янги халқаро молия марказларининг

¹ Новые индустриальные страны в мировой экономике. – Свердловск, 1999. С.40-41

хосил бўлиши ва тез ўсишини киритиш мумкин. Аввало Сингапур ва Гонконгда. Тайван XXI аср бошида Осиё-Тинч океани регионидagi йирик валюта-молия марказига айланишни уз олдига мақсад қилиб қуйди. Осиё ЯИД халқ,аро молия марказлари кредит-молия операциялари утқазиш микёси бўйича Лондон, Париж, Цюрих каби йирик молия марказлари билан бир қаторга чиқиб, уларни ссуда капитали бозоридан жиддий сиқиб чиқардилар. Осиё ЯИД иқтисодий эвалюциясининг характерли томони, уларнинг бир-бирига қизикишининг тобора ошиши бўлиб қолмокда. Фақат саноати ривожланган Ғарб давлатларига йуналтириш устивор тенденцияси, уз региони ва яқин бўлган субрегионда савдо-иқтисодий ҳамкорлар қидирилиши билан тулдирилмокда. Аммо бу Осиё ЯИДнинг уз маҳсулотлари рақобатбардошлилигини оширишга эътибор бермаяпти дегани эмас. 90-йиллар урталарида товарларнинг рақобатбардошлиги бўйича жаҳондаги биринчи бешликда Сингапур, Гонконг, Тайван бор. Бу давлатларда қабул қилинган иқтисодий стратегиянинг асосий йуналиши бўлиб илмталаб маҳсулотлар ишлаб чиқариш қолмокда. Меҳнат талаб ва паст рентабелли ишлаб чиқаришлар “иккинчи оқим” ЯИД, шунингдек, Хитой ва Вьетнамга “топширилмокда”. Натижада бу ишлаб чиқаришларни бир пайтлар содир бўлган саноати ривожланган давлатлардан биринчи авлод “янги индустриал давлатлар”га қучиш жараёни амалда қайтарилмокда.

ЯИД ривожланишидаги қулга қиритилган ютуқдар, уларнинг жаҳон ҳужалигига интеграцияси улар, иқтисодий ўсишининг истикболлари, *халқ*, турмуш даражасининг ўсиш ва уларнинг ташқи иқтисодий экспансияларининг ошиши етарли даралжада қулай деб ишонч билан айтишга имқон беради. XXI асрда бу давлатлар жаҳон

иқтисодий ҳукмронлигида юқорирок, урин эгаллайдилар ва янги муҳим натижаларни намойиш қиладилар. Жаҳон банки прогнозларига караганда, яқкин 10 йил мобайнида ўсишнинг уртача суръатлари Жанубий Осиёда - 5,49%, Шарқий Осиёда - 7,7%, Лотин Америкасида - 3,5% ни ташкил қиладилар. Шарқий Осиёда киши бошига тўғри келадиган даромаднинг ўсиши 1996-2004 йилларда йилига 6,6% га тенг бўлиши кутилмоқда. Урта ҳисобда ерда яшайдиган ҳар бир кишига тўғри келадиган даромад йилига 1,9% га усади.

2-БОБ. ЎЗБЕКИСТОННИНГ «ОСИЁ ЙЎЛБАРСЛАРИ» БИЛАН ҲАМКОРЛИГИ

2.1. Мустақил Ўзбекистоннинг хорижий Осиё мамлакатлари билан ўзаро муносабатлардаги асосий йўналишлар

Ўзбекистон мустақилликни қўлга киритгандан кейин халқаро муносабатларнинг тенг ҳуқуқли аъзосига айланди ва мустақил ташқи сиёсат юритмоқда. Президентимиз И.Каримов эътироф этганидек, «Мамлакатимиз тарихан қисқа вақт мобайнида дунё ҳамжамиятида мунолсиб ўрин қоллади, керак бўлса, ўзининг мустақил овозига эга бўлди, десак, бу ҳам ҳеч қандай муболаға бўлмайди»¹. Мамлакатимиз ташқи сиёсатининг энг муҳим йўналишларидан бири – унинг Осиё минтақасидаги мамлакатлар

¹ Каримов И.А. Ўзбекистонда демократик ўзгаришларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини асосларини шакллантиришнинг асосий йўналишлари.// Халқ сўзи. 2002 йил 30 август

билан дўстлик ва яқин ҳамкорлик муносабатларини ўрнатишдан иборатдир.

Ўзбекистоннинг ташқи сиёсий фаолияти бошқа давлатлар билан дўстона алоқаларни ўрнатишга доир бир қанча муаммоларни камраб олади. Унинг асосий вазифаси миллий давлат манфаатларини таъминлаш, давлат суверенитети ва миллий хавфсизликни таъминлаш, янгиланиш ва тараққиёт йўлидан боришда ташқи алоқалардан кенг фойдаланишни йўлга қўйишдан иборатдир.

Ўзининг ташқи сиёсатини амалга оширар экан, Ўзбекистон уни ўз давлатининг ички сиёсатига муносиб бўлишига аҳамият беради. Шунинг учун ҳам давлатнинг ўз ички сиёсати олдида қўйган мақсад ва вазифаларининг муваффақиятли амалга оширилиши унинг ташқи сиёсатининг ҳам асосий йўналишларидан бири саналади.

Сиёсий муносабатлар марказида – мамлакатдаги хавфсизлик ва барқарорликни таъминлаш, Марказий осий минтақасини ядровий қуроллардан ҳоли зонага айлантириш, Афғонистондаги қуролли муҳолифатни бартараф этиш, жамиятнинг демократик жиҳатдан янгиланишига кўмаклашиш, халқаро терроризмга, диний экстремизмга ва ақидапарастликка наркобизнесга қарши кураш масалалари туради¹.

Ушбу муносабатлар зинҳор шунчаки ўрнатилган, юзаки муносабатлар эмас, зеро, бу муносабатлар ҳозирги кунда жаҳонда юз бераётган интеграциялашув жараёнларидан келиб чиқувчи қонуний жараёнлардир, яъни уларнинг юзага келишини айрим

¹ www.press-service.uz

мамлакатлар ва минтақаларнинг халқаро меҳнат тақсимотига нисбатан мавжуд биқиқликни ёриб чиқишга, йирик индустриал саноатни ривожлантиришга бўлган интилишлари тақозо этмоқда. Ҳозирги пайтда изчил равишда умумжаҳон бозорининг шаклланиши юз бермоқда. Бу умумжаҳон бозорида кўплаб мамлакатларнинг хўжалиги бирлашади, шу боисдан ҳам айрим ишлаб чиқариш соҳалари давлат ёки миллат доирасидан чиқиб, чегара билмас соаларга айланади. Мамлакатлар ўртасидаги хўжалик алоқалари кучайиб боради, бу эса уларнинг жамият ҳаётининг барча соҳалари бўйича ўзаро ҳамкорликларини янада ривожлантиришларига олиб келади.

Буларнинг барчаси бугунги олам маълум маънода муайян бир яхлитликдан иборат эканлигини, унда кундан-кунга жаҳон ҳамжамияти мамлакатлари ўртасида ўзаро ҳамкорликка ва бир-бирлари билан ҳамжиҳатликка бўлган интилиш кучайиб бораётганлигини кўрсатади. Шунинг ҳам унутмаслик керакки, шундай ҳамкорликлар асносида ҳам ҳар бир мамлакат, аввало, ўзининг миллий ва давлат манфаатларидан келиб чиқиши туфайли, айрим халқаро муаммолар юзасидан фикрлар қарама-қаршилиги ҳамда баҳс-мунозаралар келиб чиқишига ҳам олиб келиши мумкин. Бундай ҳолатларда мамлакатлар уларни бир-биридан ажратувчи омилларга эмас, балки умуминсоний қадриятлар манфаатларини кўзлаган ҳолда, уларни бирлаштирувчи омиллардан келиб чиқиб, фаолият юритишлари зарур бўлади. Яъни ўзаро мухолифатга бормасдан, ўз манфаатларининг тор қобиғига ўралашиб қолмасдан, вужудга келган халқаро муаммоларни ҳамкорликда ҳал этиш, давлатлараро муносабатларни янада

инсонийлаштириш, уларни халқаро ҳуқуқ ва умуминсоний ахлоқ ва одоб меъёрларига мослаштириб олиб боришлари керак¹.

Ушбу муносабатлар фавқулодда ҳал бўлмай, аксинча, бир томондан, ҳозирги кунда жаҳон доирасида юз бераётган интеграциялашув жараёнларидан келиб чиқса, иккинчи томондан, мамлакатнинг халқ хўжалигини ривожлантириш учун хорижий инвестицияларни жалб қилиш, Осиё мамлакатларининг иқтисодиёт, фан ва техника, маданият ва маорифни ривожлантириш борасида тўплаган тажрибаларидан фойдаланиш зарурияти билан изоҳланади. Яна бир жиҳатни ҳам инобатга олмоқ жоизки, Ўзбекистон мазкур мамлакатларнинг аксарияти билан умумий тарихга, динга, ўхшаш анъана ва урф-одатларга, савдо-иқтисодий ва маданий алоқаларга эга.

Мазкур алоқалар эса узоқ ўтмиш даврлардан буён Буюк Ипак йўли орқали давом эттириб келинган.

Ўзбекистоннинг хорижий Осиё мамлакатлари билан ўзаро муносабатлари бирор-бир мамлакатнинг иккинчиси устидан ҳукмронлигига ёки иккинчи бир мамлакатнинг бошқасига тобелигига эмас, балки самимий дўстлик, ўзаро ҳурмат, тенг ҳуқуқли ҳамкорлик қилиш, миллий мустақиллик, давлат суверенитети ақидаларига қатъий амал қилиш асосига қурилганлиги ҳам ниҳоятда муҳим аҳамият касб этади. Мазкур муносабатларнинг яна жуда муҳим жиҳатларидан бири уларда барқ уриб турувчи бир-бирларига доимий ёрдам кўрсатиш (аксарият ҳолларда ҳеч қандай манфаатларни кўзламасдан, хайрия тарзида) Осиё мамлакатларининг Ўзбекистоннинг халқ хўжалиги ва

¹ www.uza.uz

маданиятига, мамлакатимизнинг интеграция жараёнларида халқаро ҳамжамиятга кириб боришига ёрдам кўрсатишларидан иборатдир.

Ўзбекистон Осиё минтақасидаги мамлакатлар билан ўз ҳамкорликларини ривожлантириб борар экан, бу муносабатлар негизида ўзаро манфаатли иқтисодий ҳамкорликлар ётишига, ҳар бир мамлакат иқтисодиёти иккинчи бир мамлакат иқтисодиётини тўлдиришига, шу йўл билан унинг ишлаб чиқариш кучларининг ривожланишига, барча мамлакатлар тараққиётига ҳисса қўшишига алоҳида аҳамият бериб келмоқда. Ишлаб чиқаришни интеграциялаштиришга ва товар айирбошлашига бўлган интилиш айрим мамлакатлар иқтисодиётидан миллий биқикликни йўқотиб, халқаро меҳнат тақсимоти қарор топишига ва барча халқларнинг бевосита бир-бирларига чамбарчас боғланишига олиб келди. Бугунги кунда бирор бир давлат бошқа давлатлар билан яқин иқтисодий алоқаларсиз муваффақиятли ривожлана олмаслиги оддий қонуният бўлиб қолди. Ушбу омилнинг аҳамияти шундаки, у нафақат ишлаб чиқариш кучларининг ривожланишига кўмак беради, балки, айни пайтда, табиий хом ашё ресурсларидан ҳам оқилона фойдаланиш, аҳолининг тобора ошиб боровчи эҳтиёжларини янада тўлароқ қондириш имкониятларини ҳам беради¹.

Ўзбекистоннинг Осиё минтақаси мамлакатлари билан ўзаро ҳамкорликларидан кўзланган асосий мақсади республика халқ хўжалигига хорижий инвестицияларни янада кенгроқ жалб этиш, қўшма корхоналар ташкил қилиш, импорт ўрнини босувчи ва рақобатбардош маҳсулотлар ишлаб чиқаришни ташкил этиш, кичик ва ўрта бизнесни ривожлантириш ва шунинг асосида

¹ www.uwed.uz

мамлакат иқтисодий салоҳиятини кўтариш, бозор иқтисодиётига ўтиш ҳамда республикани халқаро иқтисодий муносабатларнинг тўла ҳуқуқли аъзосига айлантиришдан, шунингдек, Осиё мамлакатларининг иқтисодиётни, илм-фанни, маънавий маданиятни ҳамда маорифни ривожлантириш борасида тўпланган тажрибаларидан унумли фойдаланишдан иборатдир. Иқтисодий ҳамкорликнинг аҳамияти шундаки, у пировард натижада сиёсат, илму фан, маданият ва умуман маънавий соҳалардаги ҳамкорликларга олиб келади.

Ўзбекистон Осиё мамлакатлари билан ўз ҳамкорликларини амалга оширар экан, давлатлараро муносабатларда фақат ташқи иқтисодий ёрдамларгагина суяниб қолмасдан, аввало, ўз мамлакатимизнинг иқтисодиётини, маданиятини жадал суръатлар билан ривожлантиришга, бозор муносабатларини изчиллик билан ривожлантириб боришга аҳамият бериш кераклигидан келиб чиқади.

Мамлакатнинг иқтисодий ривожланишида илмий-техник ҳамкорликлар ниҳоятда катта роль ўйнайди. Мамлакатни ривожлантиришнинг долзарб муаммолари бўйича ҳамкорликдаги илмий тадқиқотлар, илмий-тадқиқот институтларининг иш тажрибалари ва йирик олимларнинг иш тажрибалари билан ўзаро алмашилиш, мутахассислар билан ёрдам бериш, бизнес-семинарлар, илмий-амалий конференциялар, симпозиумлар, илм-фаннинг энг янги ютуқлари ва янги технологиялар бўйича турли анжуманлар ўтказиш – буларнинг барчаси ҳар бир мамлакатнинг, шу жумладан, Ўзбекистоннинг иқтисодий ривожланишида жуда қудратли омил ҳисобланиб, мамлакатлар ўртасидаги ўзаро ишонч ва дўстликни мустаҳкамлайди.

Ўзбекистон Осиё мамлакатлари билан маданият ва маориф соҳасида жуда яқин алоқаларни амалга оширмоқда. Осиё мамлакатлари Ўзбекистонга лицейлар, коллежлар, мактаблар ҳамда олий ва ўрта махсус ўқув юртларини замонавий ускуналар, техник ўқув воситалари билан жиҳозлашда, ўқув дарсликлари ва ўқув қўлланмалари тайёрлашда катта ёрдам бериб келмоқда, яъни улар ушбу мақсадлар учун имтиёзли кредитлар ва хайрия маблағлари ажратмоқдалар. Мамлакатларнинг маданият кунлари, ўзаро илмий, адабий китоблар ва кинофильмлар билан алмашилиш, халқаро конференциялар, симпозиумлар ва анжуманлар ўтказиш, фан, маданият ва санъат арбобларидан иборат делегациўялар билан алмашилиш, хорижий талабаларнинг Ўзбекистонда ва ўзбекистонлик ёшларнинг чет мамлакатларда таҳсил олиши, бошқа мамлакатлар мумтоз ва ҳозирги замон адабиётларини чоп этиш, кинематографик ва мусикий фестиваллар ўтказиш, театр жамоаларининг ўзаро борди-келдилари, ҳамкорликда спектакллар қўйиш, фильмлар яратиш ва бошқа кўплаб тадбирлар ҳам маънавий маданиятнинг ривожланишига, ҳар бир мамлакатнинг миллий маданиятлари ўзаро бойишига, умуминсоний маданий қадриятларнинг тараққий топишига ёрдам бериши шубҳасиздир.

Шуни ҳам алоҳида таъкидлаш керакки, Ўзбекистон давлат ва ижтимоий тузилиши турлича бўлган мамлакатлар ўртасида ҳам ўзаро тинч-тотув алоқалар ҳамда маданият ва маориф соҳасидаги ўзаро манфаатли ҳамкорликларни йўлга қўйиш мумкин, деб ҳисоблайди. Шу сабабли ҳам бизнинг мамлакатимиз Осиё минтақалари билан ўз маданий ҳамкорликларини мустаҳкамлашга, уларни янада чуқурроқ ўрганишга, уларнинг замонавий

маданиятини, мумтоз меросини ва ғоявий, диний эътиқодидан қатъи назар, халқ ижодиётини ўрганишга ҳаракат қилиб келмоқда. Айни пайтда, мамлакатимизда рўй бераётган маданий ўзгаришлар ҳам хорижий фан ва маданият арбобларида катта қизиқиш уйғотмоқда.

Ўзбекистоннинг ташқи сиёсати, унинг Осиё мамлакатлари билан ўзаро илмий-техник ва маданий алоқалари ҳар бир жамиятда барқарорлик ва бирдамликни сақлаш, ҳар бир минтақада, бутун ер юзида тинчлик ва хавфсизликни таъминлаш учун диний ақидапарастликка ва экстремизмга, халқаро терроризмга қарши кураш негизда олиб борилиши керак. Бунда хавфсизликни таъминлашнинг энг муҳим шартларидан бири иқтисодий салоҳиятни ошириб бориш, мамлакатлар ва халқларнинг умумий ҳамкорликларини мустаҳкамлаш, уларнинг тинчликни сақлаб қолиш борасидаги саъй-ҳаракатлари қатъиятли эканлигини ва, шунингдек, умумий манфаатларни белгилай олиш, миллий давлат манфаатларини байналмилал манфаатлар билан уйғун ҳолда идрок эта олиш ҳам ўта муҳим эканлигини эътиборга олмоқ керак. Бунга эса давлатлар ўртасидаги ўзаро ҳамкорликда бир-бирларининг миллий мустақилликларини ва давлат суверенитетларини ҳурмат қилиш, ҳудудий яхлитлигини тан олиш, бир-бирларининг ички ишларига аралашмаслик, тенг ҳуқуқлилиқ ва ўзаро манфаатдорлик каби умумдемократик тамойилларга қатъий амал қилиш орқалигина эришиш мумкин. Зеро, турлича давлат ва жамият қурилишига эга бўлган мамлакатлар ҳар томонлама алоқаларга киришар экан, улар ўртасидаги фикрий тафавутлар, у ёки бу халқаро муаммоларни ҳал этишдаги муаммоларга турлича ёндашувлар бўлиши муқаррар. Бунда энг муҳим нарса шуки,

мамлакатлар ўртасидаги мафкуравий, ижтимоий ва сиёсий тафовутлар улар ўртасидаги ҳамкорликка, яхши қўшничилик ва ўзаро шерикчиликка тўсқинлик қилмаслиги керак¹.

Ўзбекистоннинг Осиё минтақаси мамлакатлари билан ҳамкорлик тажрибалари ушбу ҳамкорликнинг ривожланиш истиқболлари хусусида айрим хулосаларни чиқариш ва унинг янада ривожланиши учун айрим йўналишларни белгилаш имкониятини беради.

Аввало, ҳозирги кун шароитида Ўзбекистоннинг Осиё мамлакатлари билан ҳар томонлама алоқаларининг мустаҳкамланишига алоқадор ҳар қандай масаланинг ҳал этилиши сиёсий музокаралар, ўзаро манфаатли шартномалар ва битимлар асосида, ишлаб чиқаришни ташкил этиш ва маданият, маориф, кадрлар тайёрлаш масалаларидаги тўпланган тажрибаларни ўртоқлашиш асосида, давлатларнинг ички ишларига аралашмасдан, уларнинг миллий суверенитетига даҳл қилмаган ҳолда тенг ҳуқуқли асосларда амалга оширилиши лозим. дунёда халқаро муносабатларнинг глобаллашуви юз бермоқда, у ҳар қандай катта ёки кичик давлатнинг ҳам умуминсоний ва умумдемократик асослардаги ўзаро манфаатли ҳамкорликларини тақозо этади. бу давлатларнинг сиёсий масалаларни ҳал этишда ўзаро ҳамфикрликларида, ҳамкорликлар воситасида сиёсий барқарорликни ва хавфсизликни таъминлашга интилишларида ҳам намоён бўлмоқда.

Хулоса тариқасида шуни таъкидлаш мумкинки, Ўзбекистон тарихан қисқа вақтда дунё ҳамжамияти томонидан эътироф этилди ва интеграция жараёнлари чуқурлашиб бормоқда. Президентимиз

¹ www.press-service.uz

айтганларидек, «биз шуни унутмаслигимиз керакки, бундай эътироф, Ўзбекистоннинг жаҳон миқёсида ортиб бораётган нуфузи – бу авваламбор мамлакатимизда истиқлолнинг дастлабки кунлариданоқ ўтказиб келинаётган, ҳар томонлама чуқур ўйланган, оғир-вазминг, қатъий ва мустақил ташқи сиёсатнинг натижасидир».¹

2.2. Ўзбекистоннинг Осиёдаги янги индустриал мамлакатлар билан муносабатлари

Ўзбекистон ва Жанубий Корея халқларининг дўстона алоқалари ибратли тарихга эга. Юртимиз мустақиллигидан сўнг, Корея Республикаси 1991 йил 30 декабрда, Осиё-Тинч океани минтақаси давлатлари орасида бириччи бўлиб мамлакатимиз мустақиллигини тан олди. 1992 йилда икки давлат ўртасида дипломатик муносабатларнинг ўрнатилиши сиёсий, иқтисодий ва маданий соҳаларда кенг ҳамкорликка йўл очиб берди.

Ўзбекистонда корейс сармояси иштирокида 80 га яқин корхона ишлаб турибди. «ЎзДЭУавто», «ЎзДЭУэлектроникс», «Кабул-Ўзбек компани ЛТД», «ЎзСамсунгэлектроникс» каби қўшма корхоналар шулар сирасига киради. Шунингдек, Корея Республикасининг 19 та компанияси Ўзбекистонда ўз ваколатхонасини очган. Корея Халқаро ҳамкорлик агентлиги (KOICA) бир неча йиллардан буён республика вазирлик ва

¹ Каримов И.А. Ўзбекистонда демократик ўзгаришларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамияти асосларини шакллантиришнинг асосий йўналишлари.// Халқ сўзи. 2002 йил 30 август.

идоралари билан мунтазам алоқа қилиб келади. Ушбу ташкилот орқали ўзбек йигит-қизлари Корея Республикасида малака ошириб қайтмоқдалар. 1993 йил мартда Тошкент шарқшунослик институтида корейсшунослик факультети очилган. Ўзбекистон жаҳон тиллари университетида «Корейс тили маркази», Самарқанд чет тиллар институтида «Корейс тили ва маданияти маркази» ишлаб турибди. Корея Республикасининг Ўзбекистондаги элчихонаси бу марказларнинг энг янги адабиётлар, видео ҳамда аудиокассеталар билан мунтазам таъминлаб келаяпти¹.

Икки мамлакат ўртасида маданий алоқалар ҳам тобора кенгайиб бормоқда. Ўзбекистонда Жанубий Кореянинг 28 йирик фирма ва компаниясининг ваколатхонаси фаолият кўрсатаётгани ҳам диққатга молик.

Ўзбекистон билан Жануби -Шарқий Осиёдаги етакчи давлатлардан бири ўртасидаги ҳамкорлик муносабатларининг ҳуқуқий асослари амалда ёш собиқ совет республикасининг халқаро майдондаги илк мустақил қадамларидаёқ барпо қилинган бўлиб, Ўзбекистон Президенти Ислон Каримовнинг 1992 йилдаги ҳамда Малайзия Бош вазирининг 1993 йилдаги расмий ташрифлари ушбу икки давлат ўртасидаги ўзаро муносабатларни бошлаб берган эди. Ҳамкорликнинг янада ривожланишига Малайзия қироли Туанк Сайел Сирожуддин Жамолуллайлнинг 2003 йилдаги Ўзбекистонга ташрифи ҳам катта ҳисса қўшди.¹

¹ XXI аср. 2004 йил 5 июль. 29-сон.

¹ Халқ сўзи. 2005 йил 18 октябрь

Ўзбекистон раҳбарининг Малайзияга 2005 йилдаги янги ташрифи нафақат икки мамлакат ўртасидаги, балки Марказий ва Жануби-Шарқий Осиё минтақалари ўртасидаги ҳамкорлик истиқболларини ҳам янада кенгроқ очиб беради. Ўзбекистон Марказий Осиёда етакчи ўрин эгаллаб келаётган бўлса, Малайзия ушбу вазифани қитъанинг жануби-Шарқида муваффақиятли эгаллаб келмоқда. Бир пайтлар Жануби-Шарқий Осиё мамлакатлари уюшмаси –АСЕАН ташкилотини тузишда асосий ташаббускорлардан бўлган Малайзия бугунги кунда Жануби-Шарқий Осиёдаги ушбу энг нуфузли ташкилотга раислик қилиб келмоқда. Малайзиянинг Ислом конференцияси Ташкилотида ҳам раислик қилаётганлиги эса унинг бутун ислом дунёсидаги мавқеи ҳам юқори эканлигини яна бир бор тасдиқлайди.

Малайзия асосий иқтисодий кўрсаткичлар бўйича «Осиё йўлбарслари» деб аталадиган янги индустриал мамлакатлар қаторига киради. Иқтисодий ўсишнинг юқори суръатли япон моделининг танланиши, хорижий сармоя ва технологияларнинг жалб қилиниши, саноати ривожланган давлатнинг илғор тажрибасидан фойдаланиш, индустриялашнинг асосий воситаларидан – импорт ўрнини босиш ва экспортга йўналганлик омилларидан унумли фойдаланиш, сиёсий барқарорликнинг юксак даражада сақлаб келиниши мамлакат иқтисодиётини модернизациялаш, ижтимоий соҳада сезиларди силжишларга эришишга имкон берди.

Бугунги кунда Ўзбекистоннинг Малайзия билан иқтисодий, илмий-техникавий ва маданий ҳамкорлиги кенгайиб бормоқда.

Малайзия – Осиёнинг жадал суръатлар билан ривожланаётган давлатларидан бири. Ушбу мамлакатда, айниқса, таълимга катта

аҳамият берилмоқда. Малайзия ва Ўзбекистон ўртасида айрим муштаракликлар мавжуд. Хусусан, Ўзбекистон ва Малайзия бир кунда – 31 августда мустақилликка эришган, иккала давлат аҳолисининг сони ҳам деярли тенг, ҳар икки диёрда мусулмонлар аҳолининг аксарият қисмини ташкил этади, Ўзбекистонда ҳам, Малайзияда ҳам ўнлаб миллат вакиллари баҳамжишат ҳаёт кечирмоқда. Малайзияда таълимга давлат бюджетининг катта қисми ажратилади. Мамлакатда давлат тасарруфидаги университетлар (уларнинг сони 20 та) билан бир қаторда хусусий университетлар ҳам мавжуд. Ҳар йили бир гуруҳ Ўзбекистонлик мутахассислар – Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги «Истеъдод» жамғармаси совриндорлари Малайзия университетларида малака ошириб қайтмоқдалар.¹

Мамлакатимизда меҳмон бўлиб турган Малайзия фан, технология ва инвестициялар вазирлиги Бош котиби Абдул Ханаан Бин Аланг Ендут раҳбарлигидаги делегация аъзолари 2007 йил 6 июль куни Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси президенти Шавкат Солиҳов билан учрашди. Академиклар қатор илмий текшириш институтлари мутахассислари иштирок этган мулоқот чоғида мамлакатларимиз ўртасидаги ўзаро ҳамкорлик барча соҳаларда, жумладан, фан-таълим соҳасида ҳам изчил ривожланиб бораётгани, бунда Ўзбекистон ва Малайзия давлат раҳбарларининг учрашувларида эришилган келишувлар муҳим ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилаётгани алоҳида таъкидланди. Учрашувда Ўзбекистон билан Малайзия ўртасида илмий-техникавий ва маданий соҳаларда ҳамкорликни янада кенгайтириш ва мустаҳкамлаш, биргаликда икки томон учун ҳам манфаатли

¹ Маърифат. 2007 йил 25 апрел.

лойиҳалар ишлаб чиқиш ва амалга оширишга оид масалалар юзасидан атрофлича фикр алмашилди.

Ўзбекистон ва Малайзия илмий доиралари вакиллари иштирок этган илмий анжуманда икки мамлакат олим ва мутахассисларининг илм-фаннинг турли йўналишлари, жумладан, ахборот технологиялари, физика, кимё, нанотехнологиялар, электроника ва генетика каби соҳалардаги сўнгги янгиликлар ҳамда тенденцияларга оид маърузалари тингланди¹.

Ўзбекистон Республикаси ва Хитой Халқ Республикаси Шарқнинг умуммаданий ва тарихий жиҳатлари бирлашган мамлакатлар бўлиб, икки томонлама алоқаларни ривожлантиришда Осиё минтақасида шамкорлик ҳудудининг вужудга келишига замин яратмоқда. Икки давлат халқларининг эзгу мақсадлар сари интилишларини уларнинг бой тарихий мерослари ва қадриятлари муштараклигида қўришимиз мумкин.

Хитой мамлакатимиз мустақиллигини биринчилардан бўлиб тан олди ҳамда 1992 йилнинг январь ойидан бошлаб икки мамлакат ўртасида дипломатик алоқалар йўлга қўйилди. Икки томонлама муносабатлар кўпгина соҳалар бўйича ҳамкорлик алоқаларини ўз ичига қамраб олган. Бугунги кунда анъанавий, дўстона ва ўзаро манфаатли хусусиятга эга бўлган 120 дан ортиқ мамлакатлараро келишувлар амалга ошириляпти.

Айтиш жоизки, икки мамлакат раҳбарларининг ўзаро ташрифлари ва учрашувлари доимий кўринишда тус олмоқда. Президент И.Каримов ХХРга тўрт маротаба ташриф буюрган бўлса, ХХР раҳбари Ху Цзинтао 2004 йилнинг июнь ойида махсус

¹ O'zbekiston ovozi. 2007 йил 7 июл.

ҳукумат ташрифи билан Ўзбекистонга келди. Ҳурматли меҳмон Шанхай Ҳамкорлик Ташкилотининг Тошкент саммитида ҳам иштирок этди. Мулоқотлар аввалида биринчи навбатда икки мамлакат ўртасидаги сиёсий, иқтисодий, илмий-техникавий, маданий ҳамкорликларни янада кенгайтиришга эътибор қаратилди. Шунингдек, терроризм ва экстремизмга қарши кураш, минтақада тинчликни таъминлаш, ҳудудда барқарорликка эришишга доир фикрлар ва ШХТ доирасида ўзаро ҳамкорликни ривожлантириш масалалари кўриб чиқилди.¹

Узоқ ўтмишда ўзининг ипаги, кулолчилиги, чини маҳсулотлари, Буюк девори ва қадимий маданияти туфайли машҳур бўлган Хитой, бугунги кунда иқтисодий ривожланиш суръати кескин тарзда ўсиши ва ҳукуматнинг мамлакатда тўлақонли ислоҳотларни амалга ошириши билан барчани ажаблантирмоқда.

Хитой ялпи ички маҳсулоти аҳоли жон бошига 20 йил ичида 800дан 3000 АҚШ долларигача етди. Бу эса мамлакатнинг Жаҳон банки талабларига биноан ўртача даромадга эга давлатлар каторининг қуйи даражасидан ўрин олганини англатади.

ХХРнинг ташқи сиёсати тамойиллари – халқаро нормаларга мувофиқ ҳолатда ислоҳотларнинг очиқ сиёсатини таъминлаш, қўшни давлатлар билан тинчликни арқарор вазиятда сақлашдан иборат. Хитой ва Ўзбекистон ўртасидаги иқтисодий ҳамкорлик алоқалари йилдан йилга ривожланиб бормоқда. Мамлакатлараро товар айирбошлаш айти пайтда 400 миллион АҚШ долларига яқинлашиб қолди. Умуман, охири уч йил ичида ХХР билан товар айирбошлаш 3 баробарга ошди.

¹ Маърифат. 2007 йил 28 март

Ўзбекистон ХХРнинг МДХ орасида тўртинчи савдо ҳамкоридир.

2004 йил ХХР раҳбари Тошкент шахрига ташрифи чоғида келажакда Ўзбекистон ва Хитой ўртасида дўстона ва ҳамкорлик муносабатларини ривожлантириш тўғрисидаги Декларацияга имзо чекди, шунингдек, икки мамлакат раҳбари томонидан наркотик моддаларнинг ноқонуний савдосига қарши кураш ва шу каби маҳсулотлардан қабих мақсадларда фойдаланишга қарши ҳамкорликда техник иқтисодий кураш Келишувига имзо чекилди.

Бугунги кунда Ўзбекистон ҳаётида хитой инвестицияси тобора катта рол ўйнамоқда. «Ўзбекистон темир йўллари» ДАТК локомотив парки хитой машиналари билан янгиланди. «Ситик» Хитой компанияси ва ХХР саноат-савдо банки кредит қўйилмалари ҳисобига Қорақалпоғистон Республикасидаги Қўнғирот сода завомида қайта ташкил этилди¹.

Ўзбек деҳқонлари хитойлик ҳамкорларидан дарё ва каналларни тозалашда фойдаланиладиган қишлоқ хўжалик машиналари ва унинг қисмларини, шунингдек, барпо этилаётган Резаксой сув омбори учун кучли насос агрегатлари сотиб олишди. Хитой инвестициясининг бир қисми Қашқадарё вилоятидаги калий ўғитлаш заводи қурилишига жалб қилинди.

Ўзбекистоннинг Хитойга энг асосий экспорт таркиби - қайта ишланган нефть маҳсулотлари, пахта толаси, пластмасса ва пластмасса маҳсулотлари, минерал ўғит ва бошқалардир. Ўз навбатида, Ўзбекистон электрон ва механик ускуналар, транспорт

¹ www.marifat.uz

жиҳозлари, оптика асбоб-ускуналари ва аппаратлари, озиқ-овқат маҳсулотларини импорт қилмоқда.

Ҳозирги вақтда юртимизда Хитой инвестицияси иштирокида кўплаб қўшма корхоналар иш юритмоқда. Уларнинг асосий иш фаолияти улгуржи ва чакана савдо, воситачилик хизматлари, енгил саноат ва қилоқ хўжалик маҳсулотларини қайта ишлашдан иборат. Ўзбекистон Ташқи иқтисодий алоқалар вазирлигидан 26 та хитой компаниялари аккредитациядан ўтган.

Шубҳасиз, икки томонлама ҳамкорлик алоҳаларида маданият, фан ва таълим асосий ўрин эгаллайди. 2002 йилда Тошкентда ХХРнинг юқори технология соҳасида эришилган ютуқларига бағишланган Фан ва техника кўргазмаси бўлиб ўтди. Ҳар йили Шанхайда ахборот технологиялари йўналиши бўйича 10 дан зиёд ўзбек ўқитувчилари тажриба ошириб келишмоқдаю

2005 йил майда Тошкент давлат шарқшунослик институти ҳузурида Конфуций илмий маркази очилди. 30 йилдирки, Тошкентда хитой тили ўқитиладиган мактаб фаолият юритаётир. Ўзбекистонлик ўнлаб талабалар Хитой олий ўқув юртларида, шунингдек, хитойлик талабалар ҳам мамлакатимизга олий таълим муассасаларида таҳсил олмоқдалар.

Икки юрт халқлари маданияти ва анъаналарида ўхшашлик борлиги ва умумжиҳатга эга экани маданий-ижтимоий соҳада мустаҳкам алоқалар ўрнатилишига имконият яратмоқда. Мамлакатлар ўртасидаги ижтимоий ҳамкорликни ривожлантиришда 1998 йилда ташкил этилган «Ўзбекистон-Хитой» Дўстлик жамияти муҳим рол ўйнаётир. Ўтган йилларда

жамият турли хилдаги маданий ва илмий тадбирларни ўтказиб келаяпти.

2005 йилнинг охириги кунларида Хитой тараққиёт банки вице-президенти Ван И бошчилигидаги делегация Тошкентга ташриф буюрди.

Ташрифдан кўзланган мақсад Шанхай ҳамкорлик Ташкилотига аъзо мамлакатларнинг банклараро ҳамкорлиги тўғрисидаги битимни амалга ошириш доирасида ҳамкорликнинг истиқболли йўналишларини муҳокама қилишдан иборат эди.

Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки матбуот хизматининг маълум қилишича, ушбу ҳужжат 2005 йилнинг октябрида ШХТга аъзо давлатларнинг ваколатли банклари томонидан имзоланган бўлиб, инвестиция лойиҳаларини молиялаш ва уларга хизмат кўрсатиш соҳасида банклараро ўзаро ҳамдихатликни ташкил этишни кўзда тутди. Шартномага мувофиқ, унинг иштирокчилари қўшма лойиҳаларни амалга ошириш, ШХТга аъзо мамлакатларнинг турли корхоналари ўртасида иқтисодий ҳамда инвестициявий ҳамкорликни рағбатлантириш учун самарали ва тезкор механизм бўладиган банклараро бирлашмани ташкил этади.

Шу муносабат билан Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият миллий банкида Хитой тараққиёт банки вакиллари билан музокаралар ўтказилди. Миллий банкка кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш учун Хитой тараққиёт банкининг 20 миллион АҚШ доллари миқдорида кредит линиясини очиш тўғрисида келишувга эришилди. Ушбу линия

бўйича кредитлаш муддати 9 йил бўлиб, 2 йил имтиёзли даврни ташкил этади¹.

Маълумки, сода саноати жаҳон макроиқтисодиёти равнақида муҳим ўрин тутди. Ривожланган мамлакатлар, шу жумладан Хитой Халқ Республикасининг кейинги даврдаги гуллаб-яшнашида мазкур тармоқнинг улуши салмоқли бўлгани ҳам сир эмас. Ўзбекистонда Қўнғирот сода заводининг ишга туширилиши Марказий Осиё ҳудудида биринчи бўлиб ўз сода саноатини тамал тошини қўйди. Қўнғирот сода заводи Ўзбекистоннинг иқтисодий харитасида Шўртангаз мажмуаси, Асака автомобиль заводи ва бошқа йирик гигантлар сирасига киради. Унинг қурилишига ХХРнинг «Ситик» компанияси муносиб улуш қўшди. Завод технологик қисмини монтаж қилиб берган хитойликлар 32,3 миллион АҚШ доллари қийматидаги ишни бажардилар. Заводда хитойлик 40 та муҳандис-техниклар меҳнат қилишмоқда¹.

Андижон вилоятидаги Шахрихон шаҳрида фаолият юритаётган қўшма корхоналар туман аҳолисининг фаровонлигинини таъминлашга хизмат қилмоқда. Ўзбек-хитой ҳамкорлиги меваси бўлган «Ривож – Тяньжин» қўшма корхонаси туман иқтисодий салоҳиятининг юксалишига ҳисса қўшаётган корхоналардан биридир. Бу корхона пайвандлаш электродлари ишлаб чиқаришга ихтисослаштирилган².

Сингапур 697,1 квадрат километр майдонга эга бўлган мамлакат. Аҳолиси 4,5 миллион кишини ташкил этади. Мамлакат олтмишдан зиёд майда оролдан иборат бўлиб, пойтахт Сингапур уларнинг энг каттасида

¹ Халқ сўзи. 2006 йил, 5 январь. 1-бет.

¹ Халқ сўзи 2005йил 24 июнь

² Халқ сўзи.2005 йил 25 июль

жойлашган. Қарийб бир ярим асрлик мустамлакадан кейин, 1965 йилда мустақилликка эришган кезлари, у ерда денгиз хўжалиги ва савдо-сотиқни ҳисобга олмаганда, тирикчиликнинг деярли бошқа манбаи йўқ эди. Лекин тарихан қисқа даврда – 30 йилда Сингапур ўз халқининг тафаккури, иродаси, ғайрат-шижоати туфайли юксак даражада ривожланган мустақил мамлакатга айланди. Бугунг у юқори технологиялар борасида дунёда етакчилардан бири, Осиё – Тинч океани минтақасининг илмий марказларидан ҳисобланади. Сингапур бандаргоҳлари дунёнинг 600 йирик бандаргоҳи билан алоқа ўрнатган. «Чанги» аэропорти дунёнинг энг яхши ҳаво дарвозаси сифатида эътироф этилган ва ҳафтасига 55 мамлакатнинг 174 шахридан келиб кетадиган 4,5 минг самолётга хизмат кўрсатади. Аҳоли жон бошига ўртача йиллик даромад 30 минг АҚШ долларини ташкил қилади.¹

“Сингапур мўъжизаси” сирини ўрганмоқчи бўлиб, бу мамлакатга келган киши аввало саришталик ва озодаликдан ҳайратга тушади. Қатъий интизом сингапурликларнинг қон-қонига сингиб кетган. Чунки ҳукумат мустақилликнинг дастлабки давридан озодаликка алоҳида эътибор қаратди: қоидабузарлар учун катта жарималар жорий қилинди. Дейлик, жамоат жойида чекканларга 1000 Сингапур доллари (тахминан 760 АҚШ долларига тенг) миқдорида жарима солинади.

Номи «Шерлар шаҳри» маъносини англатувчи Сингапур «Боғ-шаҳар» сифатида ҳам донг таратган. Ҳар томонда кўркем дарахтлар ва анвойи гуллар кўзни қувонтиради. Шу тариқа, аҳоли ниҳоятда зич яшаса-да, ҳавоси рутубатли бўлса-да, бу мамлакат озодаликни сақлаш муаммосини бир неча йиллар олдин батамом ҳал қилган.

Мамлакатда ўтган асрнинг 50-йилларидаёқ таълим-тарбияга катта эътибор қаратилди. Ақлий салоҳиятни юзага чиқариш, ижодкорлик, бунёдкорлик, интизомлилик, меҳнатсеварлик ғояларини тарғиб қилиш

¹ www.krugosvet.ru

йўлидаги саъй-ҳаракатлар ўзини оқлади. Қумликлару ботқоқликлардан иборат, табиий заҳиралари йўқ, ҳатто ичимлик сувини ҳам қўшни ўлкалардан келтирадиган Сингапур Жанубий-Шарқий Осиёнинг энг ривожланган мамлакатига айланди.

Ўзбекистон билан Сингапур ўртасидаги муносабатлар тарихи 1992 йилнинг апрель ойига бориб тақалади. Ўшанда Сингапур Ўзбекистон мустақиллигини тан олган. 1997 йилда мамлакатларимиз ўртасида дипломатия муносабатлари ўрнатилди. Президент Ислон Каримовнинг Сингапурга давлат ташрифи мана шу воқеанинг ўн йиллигига тўғри келди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримов 2007 йил 24-26 январь кунлари давлат ташрифи билан Сингапур Республикасида бўлди.

Ўзбекистон Президенти Ислон Каримов ва Сингапур Республикаси Президенти Селлапан Рам Натаннинг учрашувида икки томонлама муносабатларга доир кенг қўламли масалалар, томонларни қизиқтирган минтақавий ва халқАО миқёсдаги муаммолар юзасидан атрофлича фикр алмашилди. Томонлар бир-бирининг суверенитет ива ҳудудий яхлитлигини ҳурмат қилиш, бир-бирининг ички ишларига аралашмаслик,Ю ўзаро ишонч тамоийллари асосида икки томонлама муносабатларни ривожлантириб боришга келишиб олдилар.

Музокаралар якунида қабул қилинган Қўшма Баёнотда таъкидланганидек, Ўзбекистон ва Сингапурнинг халқаро террорчилик, наркотрафик, уюшган трансмиллий жиноятчилик билан боғлиқ муаммоларга қарашлари ўхшаш. Бу муаммоларга қарши курашда яқиндан ҳамкорлик қилиш минтақавий хавфсизликни мустаҳкамлашнинг муҳим омили эканлиги борасида ҳам фикрлар бир жойдан чиқди. Шу билан бирга, БМТ, Атом энергияси бўйича халқаро агентлик, Осиё тараққиёт банки каби халқаро ва минтақавий ташкилотлар доирасида ҳамкорлик муҳим аҳамиятга

эга эканлиги таъкидланди. Хусусан, Ўзбекистоннинг Марказий осиёни ядро куролидан холи ҳудуд, деб эълон қилиш борасидаги ташаббусини Сингапур томони қўллаб-қувватлайди. аини пайтда Жануби-Шарқий Осиёда ядро куролидан холи ҳудуд барпо этишда Сингапур муҳим ўрин тутаётгани қайд этилди¹.

Ўзбекистон Сингапур билан ҳамкорликни кенгайтиришдан ҳар томонлама манфаатдор. аини пайтда Сингапур ҳам Ўзбекистон билан алоқаларни ривожлантириш тарафдори. Сингапур учун Ўзбекистон орқали Марказий Осиё ва МДХ бозорларига чиқиш имконияти мавжуд бўлса, Ўзбекистоннинг АСЕАН билан муносабатларини тараққий эттиришда бу ташкилотнинг энг фаол ва нуфузли аъзоларидан саналган Сингапур билан ҳамкорлик катта аҳамият касб этади. Музокараларда томонлар икки йўналиш бўйича ҳам бир-бирини қўллаб-қувватлашга тайёр эканлиги таъкидланди.

Икки мамлакат делегацияларининг Ўзбекистон Президенти Ислон Каримов ва Сингапур Бош вазири Ли Сянь Лун раҳбарлигида ўтган кенгайтирилган тартибдаги музокараларида саноатга, жумладан, нефть-кимё, фармацевтика, электрон маҳсулотлар ишлаб чиқариш саноатига замонавий технологияларни жалб қилиш, юқори технологияли маҳсулотлар ишлаб чиқариш ва уларни учинчи давлатларга экспорт қилиш билан боғлиқ соҳаларда ўзаро ҳамкорликни кенгайтириш икки томон учун ҳам фойда келтириши қайд этилди. Томонлар иқтисодий соҳа учун масъул вазирлик ва идоралар ўртасидаги ҳақорликни кенгайтириш Ўзбекистон ва Сингапур манфаатлари учун хизмат қилишини таъкидладилар.

Мамлакатларимиз ўртасида дипломатия муносабатлари ўрнатилганига ўн йил тўлган бўлса-да, савдо-иқтисодий ҳамкорлик алоқаларининг, умуман, давлатлараро муносабатларнинг ҳуқуқий асоси ҳали тўла шакллантирилмаган. Шунга қарамай, ўзаро савдо ҳажми 2006 йилда салкам

¹ Шамкорликнинг янги уфқлари. // Маърифат. 2007 йил 27 январ.

100 миллион АҚШ долларини ташкил этди. Бу кўрсаткич икки томонда ҳам шериклик учун қизиқиш катта эканлигидан далолатдир. Шу боис Сингапур саммитида ўзаро муносабатларнинг ҳуқуқий пойдеворини мустаҳкамлашга келишиб олинди. Президент Ислон Капримов ва Бош вазир Ли Сянь Лун Ўзбекистон Республикаси ҳукумати билан Сингапур Республикаси ҳукумати ўртасида иқтисодий ва гуманитар соҳаларида ҳамкорлик тўғрисидаги битимни имзоладилар. Бу ҳужжат ўзаро манфаатдорликка асосланган узок муддатли ҳамкорлик учун мустаҳкам ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилади.

Ўзбекистон билан Сингапур ўртасида ҳаво транспорти қатнови тўғрисидаги ҳукуматлараро битим, Ташқи ишлар вазирликлари ўртасидаги иккитомонлама маслаҳатлашувлар тўғрисидаги англашув меморандуми, Ўзбекистон Стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаштириш агентлиги билан Сингапур стандартлар, ишлаб чиқариш ва инновацион кенгаши ўртасида стандартлаштириш, метрология ва аккредитация соҳасида ҳамкорлик тўғрисидаги битим, Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси билан Сингапур Бизнес федерацияси ўртасида англашув меморандуми имзоланди. Томонларни қизиқтирган сиёсий масалалар юзасидан мулоқот ва маслаҳатлашувлар йўлга қўйилди. Иқтисодий соҳага оид ҳужжатлар эса ишбилармонларнинг ҳамкорлигини фаоллаштиришга хизмат қилади.

Музокарада иш одамларнинг шериклик алоқаларини рағбатлантириш мақсадида икки томонлама солиқдан қочиш тўғрисида битим тузиш масаласи юзасидан маслаҳатлашув жараёнини бошлашга ҳам келишиб олинди. Шу билан бирга Президент Ислон Каримов Сингапурда Ўзбекистон элчихонасини очишга қарор қилганини маълум қилди. Сингапур томони бу қарорни икки томонлама муносабатларни ривозлантириш йўлидаги муҳим кадам сифатида баҳолади.¹

¹ Шамкорликнинг янги уфклари. // Маърифат. 2007 йил 27 январ.

Мамлакатимиз раҳбари ўзи учун ажратилган қароргоҳда Сингапурнинг «Темасек» холдинг компанияси ижрочи директори Саймон Израэлни қабул қилди. «Темасек» Ўзбекистон нефть-газ саноатига 1,5 миллиард АҚШ доллари миқдорида сармоя киритишни режалаштирган. Ташриф чоғида икки мамлакат ишбилармонларининг бизнес-форуми ҳам ўтказилди. Унда Ўзбекистонг ва Сингапур томонидан ташқи савдо ва ташқи иқтисодий фаолият учун масъул вазирлик ва идоралар вакиллари, юзга яқин фирма ва компаниялар раҳбарлари иштирок этди. Сингапурнинг «ОйлТекИП», «Юнион Тек Азия», «Бедел трайдинг» каби компаниялари билан ҳамкорликка оид протоколлар имзоланди.

Шундай қилиб, Ўзбекистон Осиёдаги янги индустриал мамлакатлар – Осиё йўлбарслари билан манфаатли ҳамкорликни ҳар томонлама кенгайтириш йўлидан бормоқда. Бу борада эришилган натижалар мамлакатларимиз ўртасидаги алоқаларни ривожлантириб, янги уфқлар очишига шубҳа йўқ.

ХУЛОСА ВА ТАВСИЯЛАР

Ўзбекистон Осиёдаги янги индустриал мамлакатлари – Осиё йўлбарслари билан яхши қўшничилик ва дўстона муносабатлари, шерикчилик ва ўзаро манфаатдор ҳамкорлиги борасида катта ишлар қилинган. Шунга қарамасдан бир қатор муаммолар ҳам

мавжуд бўлиб, қуйидаги муҳим масалаларни ҳамжиҳатликда ҳал этишни талаб қилади.

Биринчидан, ташқи сиёсий фаолиятнинг ҳуқуқий базасини доимий тарзда такомиллаштириб бориш, мамлакатлар ўртасидаги муносабатларни самаралироқ бошқариш, халқаро муносабатлар объектларида муайян изчилликка, ўзаро келишувга эришиш.

Иккинчидан, ҳамкорликларни амалга ошираётган давлатларнинг сиёсатлари ҳар иккала томоннинг ўзаро манфаатларидан келиб чиқиши, бағрикенгликка, фикрлар хилма-хиллигини тўғри қабул қила билишга, давлатлар ўртасидаги муносабатларни ҳар қандай мафкуравийликдан, синфий ендашувлардан холи бўлишига асосланмоғи керак.

Ана шу маънода ҳар бир мамлакат олдида ўз фуқароларини янги сиёсий тафаккур асосида тарбиялаш, яъни уларда жамият ҳаётига нисбатан ҳурмат, бошқа мамлакатларнинг ижтимоий тизимига, анъаналарига, урф-одатларига ҳурмат билан муносабатда бўлиш, умуминсоний қадриятлар устуворлигини эътироф этиш туйғусини тарбиялаш ўта муҳим аҳамиятга эга бўлади. Ушбу ишлар мактабларда, олий ўқув юртларида ғоявий-тарғибот ишлари сифатида олиб борилиши керак. бунга маданият, маориф ва кадрлар тайёрлаш соҳасидаги ҳамкорликларни амалга оширишда алоҳида эътибор берилиши лозим бўлади.

Учинчидан, ҳозирги кунда давлатлар ўртасидаги ўзаро муносабатларда халқаро терроризм, диний экстремизм ва ақидапарастликка, наркобизнесга қарши кураш биринчи даражага чиқиб бормоқда. Албатта, айти аана шу масалаларни ҳал этиш борасида халқаро ҳамжамиятнинг кучларини бирлаштирмасдан

туриб, давлатлараро иқтисодий, илмий-техникавий ҳамда маданий соҳалардаги ҳамкорликларни рисоладагидек ўрнатиш мумкин эмас. Марказий Осиё минтақасидаги республикалар учун сиёсий ҳамкорликлардан кўзланган биринчи мақсад – бу аввало, Марказий Осиёни ядровий қурооллардан холи зона деб эълон қилиш, Орол фожиаси оқибатларини бартараф этиш, Афғонистондаги қуроолли муҳолифат ҳаракатларини батамом бартараф қилиш каби муаммоларни ҳал этишдан иборатдир. Маълумки, Афғонистондаги терроризм ўчоқлари асосан тор-мор этилди, ҳозирги кунда мамлакатда аста-секинлик билан тинчлик қарор топомқда. Аммо, ҳали бир қанча масалалар мавжудки, уларнинг қандай тарзда ҳал этилиши Афғонистондаги аҳволга ҳам, умуман Марказий Осиё минтақасидаги сиёсий аҳволга, қолаверса, дунёдаги сиёсий вазиятга ҳам кучли таъсир қилиши мумкин. Бу – наркотиклар ва қуроолсизланиш муаммоларидир. Бундан ташқари жаҳон ҳамжамиятининг ҳар томонлама гуманитар ёрдамисиз Афғонистон давлатини қайта тиклаш мумкин эмас. Афғонистонга кўрсатиладиган ёрдамларни мувофиқлаштириш бўйича БМТ доирасида иш олиб бориш мақсадга мувофиқ бўларди.

Тўртинчидан, Ўзбекистоннинг Осиё минтақасидаги мамлакатлар билан муносабатлари ҳозирги замонга хос ривожланиш тенденцияларини чуқур идрок қилишга, уларнинг ҳаркат механизмини теран англашга асосланиб ўрнатилмоғи зарур. Мамлакатлар ўртасидаги ҳамкорлик ҳар бир мамлакатнинг иқтисодий, илмий-техникавий ва маданий-маърифий ривожланиш хусусиятларини, миллий ўзига хосликлари ва умумий манфаатларини ҳисобга олган ҳолда ўрнатилиши керак. шуни ҳам унутмаслик керакки, хўжалик ҳаёти, ижтимоий ишлаб чиқариш ҳеч

қачон бир жойда тўхтаб турмайди, улар доим ривожланишда, тобора такомиллашиб боради, бу эса, ўз навбатида, хўжалик юритиш шакллари, илмий-техник, молиявий ва бошқа муносабатларни доимий равишда янгилаб боришни тақозо этади. Шунинг учун узок муддатли дастурлар асосила ҳамкорликни амалга ошириш мақсадга мувоиқ. Бундан ташқари кооперациялашув жараёнларида иштирок этаётган мамлакатларнинг хўжалик юритувчи субъектлари ўртасидаги ўзаро тўғридан-тўғри алоқаларини янада ривожлантириш ва бунинг учун қулай шароитлар яратиш режимини ташкил этиш ҳам айнаи муддао бўлур эди.

Бешинчидан, ҳар қандай халқаро ҳамкорликда ҳам жуда кўплаб ҳукумат ва ноҳукумат ташкилотлари, фирма ва компаниялар, хусусий шахслар иштирок этишади, уларнинг билим даражаси турлича, ҳозирги замон тараққиётининг у ёки бу масалаларига ёндашувлари орқали кўзланган мақсад ва вазифалари ҳам хилма-хилдир. Шунинг учун ҳам томонларнинг умумий вазифалар ва мақсадларини белгилай олишлари, уларни ҳал этиш учун моддий ва ишчи ресурслардан оқилона фойдаланишлари жуда муҳимдир.

Олтинчидан, ҳозирги замон ҳаёт тажрибаси шунини кўрсатмоқдаки, ҳамкорликни такомиллаштириш мамлакатлар ўртасида иқтисодий, сиёсий, илмий-техник, маънавий-маданий ва гуманитар соҳаларни ўзида қамраб олган комплекс алоқаларни йўл қўйишни тақозо этади. Иқтисодий алоқаларга ортиқча баҳо бериб юбориш ҳам, ижтимоий-маънавий алоқаларни камситиш ҳам бир хилда зарарлидир. Уларнинг ҳар иккиси ҳам мамлакатлар ўртасидаги ҳамкорликни бир томонлама қилиб қўйиши, натижада

бу ҳамкорликлар у ёки бу мамлакатнинг ижтимоий ривожига таъсир қила олмаслиги мумкин.

Еттинчидан, Ўзбекистоннинг Осиё мамлакатлари билан ҳамкорлигининг асосий негизи мамлакат халқ хўжалигига хорижий инвестицияларни кенг жалб қилиш, импорт ўрнини боса оладиган ва рақобатбардош маҳсулотлар ишлаб чиқариш қобилиятига эга бўлган қўшма корхоналар яратишдан иборатдир. Бироқ ушбу масалага ҳамма жойда ҳам бирдек эътибор билан қаралмоқда дейиш хато бўлур эди. Масалан, 2002 йилда Андижон, Бухоро, Жиззах, Қашқадарё, Наманган, Сурхондарё, Сирдарё, Тошкент ва Хоразм вилоятларида хорижий маблағлар элб этилган бирорта ҳам инвестицион лойиҳа амалга оширилмаган¹. Шу сабабли вилоят, туман ва хўжалик юритувчи субъектлардаги раҳбарларнинг хорижий инвестицияларни жалб қилиш масалаларини хал этишдаги масъулиятларини ошириш керак.

Бундан ташқари, хорижий инвестицияларни жалб қилишда, кўпроқ тўғридан-тўғри капитал маблағлар ўтказишга эътибор қаратмоқ керак, зеро, ҳозирги кунда уларнинг улуши нисбатан анча пастдир. Масалан, умумий хорижий инвестициялар салмоғида тўғридан-тўғри маблағ ўтказишнинг тутган ўрни қуйидагичадир: 1999 йилнинг тўққиз ойи мобайнида – 4%, 2000 йилнинг тўққиз ойи мобайнида – 2,6 %; 2001 йилнинг тўққиз ойи мобайнида эса 2,4%. 2001 йилда жалб этилган хорижий инвестицияларнинг 13,4 % гина иқтисодиётга йўналтирилган эди¹. Бизнингча, мамлакат халқ хўжалигини ривожлантириш манфаатларидан келиб чиқиб,

¹ Бизнес-вестник Востока. 2002. 2 мая.

¹ Экономическое обозрение. Декабрь 2000 г. С.64; ноябрь 2001 г. С.46; Народное слово. 2002. 23 мая.

тўғридан-тўғри инвестициялар салмоғини сезиларли равишда оширмақ зарур.

Саккизинчидан, импорт ўрнини босадиган рақобатбардош маҳсулотлар ишлаб чиқаришни йўлга қўйишда хорижий инвестицияларни жалб қилиш орқали ташкил этилган, замонавий ускуна ва жиҳозлар, энг янги технологиялар билан қуролланган қўшма корхоналарнинг аҳамияти жуда каттадир. Бироқ, афсуски, жуда кўплаб қўшма корхоналар фақат қоғоздагина мавжуддир, аксарияти иш фаолиятини мутлақо тўхтатган. Масалан, Қорақалпоғистонда ишлаб турган 28 та қўшма корхонадан 10 таси ўз фаолиятини тўхтатган. Мамлакатимизнинг 31 та туманида шу кунга қадар бирорта ҳам хорижий инвестициялар иштирокидаги қўшма корхона ташкил этилмаган². Бу эса жойларда қўшма корхоналарнинг имкониятларига етарлича эътибор берилмаётганидан, уларнинг мамлакатимизда ўтказилаётган иқтисодий ислохотларда тутган ўрнини етарлича баҳолай олинмаётганлигидан далолат беради. Модомики, қўшма корхона ташкил қилинган экан, унинг тўла қувват билан ишлаши, табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш ишига ҳисса қўшиши, мамлакатнинг иқтисодий жиҳатдан қайта тикланишига кўмаклашиши учун барча имкониятларни ишга солиб ҳаракат қилмоқ лозим. Жойларда қўшма корхоналар ташкил этиш бўйича белгиланган дастурларнинг албатта бажарилишига эришмоқ керак.

Тўққизинчидан, Ўзбекистоннинг Осиё минтақасидаги мамлакатлар билан иқтисодий алоқаларининг мустамҳкамланишида ҳукуматлараро битимлар асосида ташкил этилган савдо-иқтисодий комиссияларнинг аҳамияти жуда

² Халқ сўзи. 2002 йил 3 май; 2002 йил 23 май.

каттадир. Ушбу комиссиялар ўзаро имзоланган шартномаларнинг, битимларнинг бажарилишини назорат қилиб, бизнес семинарлар ўтказиш, ҳамкорликни янада ривожлантириш учун чоратадбирларни ишлаб чиқадилар. Аксарият ҳолларда ушбу комиссиялар жуда самарали фаолият юритиб, ҳамкорликнинг ривожланишига ҳисса қўшмоқда¹.

1993 йилда савдо-иқтисодий алоқалар бўйича Ўзбекистон билан Покистон қўшма комиссиясининг биринчи мажлиси ўтказилган эди. Ҳозирги кунда унинг фаолиятини қайта тиклаш масаласи кўриб чиқилмоқда². Комиссияларнинг бу тартибда ишлаши ҳамкорлик муносабатларига салбий таъсир кўрсатади. Улар доимий равишда ишлаши, мажлисларни муттасил ўтказиши, уларда қабул қилинган битимлар, шартномалар сўзсиз бажарилишини таъминловчи қарорлар қабул қилиниши, ҳамкорликни янада ривожлантирувчи бизнес-семинарлар ўтказилиши мақсадга мувофиқдир.

Ўнинчидан, Осиё мамлакатлари билан ҳамкорликни ривожлантиришнинг муҳим жиҳати ушбу мамлакатларнинг иқтисодий, сиёсий, илмий-техник, маданий-маънавий ривожланиш соҳаларидаги тажрибаларидан самарали фойдалана олишдан иборатдир. Бизнинг мамлакатимиз ўз олдида ҳар томонлама баркамол, янги инсонни тарбиялашни мақсад қилиб қўйган. Ана шу мақсадни рўёбга чиқариш учун объектив тарзда фан ва техникани, маориф соҳасини ривожлантириш зарур бўлади.

¹ Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлигининг жорий архиви. Европа мамлакатлари Бошқармаси. // Ўзбекистон-Туркия муносабатлари. 2-бет.

² Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлигининг жорий архиви. Осиё-Африка мамлакатлари Бошқармаси. // Ўзбекистон-Покистон муносабатлари. 2-бет.

Ҳозирги кун шароитларида мамлакатлараро ҳамкорликларнинг муваффақиятли амалга оширилиши учун халқаро муносабат субъектлари томонидан фан ва техниканинг энг сўнгги ютуқларини яхши билиш, ижодий фикрлай олиш, илм ва техника ютуқларини амалга татбиқ эта билиш энг муҳим омиллар саналади. шунинг учун ҳам маориф ва кадрлар тайёрлаш борасидаги аҳморликларни амалга оширишда фан ва техника ютуқларидан кенг фойдаланишни ташкил этиш, юқори малакали кадрларни тайёрлаш, уларнинг илмий-техник тараққиёт учун энг долзарб муаммоларини ҳал этиш салоҳиятига эришиш борасидаги тажрибалар билан ўзаро ўртоқлашиш ўта муҳим аҳамият касб этади. Бу ерда гап меҳнатни ва ишлаб чиқаришни ташкил этишнинг илғор усулларида фойдаланиш, кичик ва ўрта бизнесни ривожлантириш, янги технологиялар, фан ва техника, маданият соҳаларидаги энг илғор ютуқлар, меҳнатни ва ишлаб чиқаришни рағбатлантириш усуллари, кадрларни тайёрлаш ва қайта тайёрлаш ва бошқа муаммолар хусусида бормоқда. Албатта, ҳар қандай тажрибани ҳам, гарчи у қанчалик илғор ва янги бўлмасин, кўр-кўрона кўчириб олиш ярамайди. Агар Осиё мамлакатларининг у ёки бу масалани ҳал этишдаги тажрибалари бизнинг мамлакатимизга мос келса, уларни қўллаш, шак-шубҳасиз, жамиятимиз барча соҳаларида амалга оширилаётган ислоҳотларнинг ўтказилишига ижобий таъсир этади. Яъни иқтисодий, сиёсий, ижтимоий, илмий-техник, маданий ислоҳотларга кўмаклашиб, бозор иқтисодиётига ўтиш, ҳуқуқий-демократик давлат қуриш йўлида вужудга келадиган муаммоларни ҳал этишни тезлатишда асқотади. Ўзларига мос келадиган тажрибаларни қўллар экан, кишилар ўз хатти-ҳаракатларини уларга таққослаб кўрадилар, мазкур тажрибани ўзига хос эталон-

андозага айлантиришга уринадилар, яъни унга ижодий эргашиш орқали ўз вақларини, ресурсларини тежаб, самаралироқ ишлаш имкониятига эга бўладилар.

Ўн биринчидан, илмий-техникавий ҳамкорликни фаоллаштириш, Осиё мамлакатларининг фан, техника, маданият соҳаларидаги тажрибаларини янада чуқурроқ ўрганиш учун, инновациялар бўйича ўтказиладиган илмий конференцияларда, симпозиумларда, форумларда, семинарларда, қайта тайёрлаш курсларида иштирок этувчи Ўзбекистон вакилларининг миқдорини ошириш лозим.

Ўн иккинчидан, маданият, маориф ва кадрлар тайёрлаш соҳасидаги ўзаро тажриба алмашинувларни янада кенгайтиришга оид халқаро муносабатларнинг мустаҳкамланиши ҳозирги дунёдаги иқтисодий, сиёсий ва маънавий ҳаётнинг маълум даражада интеграциялашувига сабаб бўлади.

Маълумки, дунё маданияти тарихи – бу ер юзидаги барча халқларнинг, улар географик жиҳатдан қайси қитъада жойлашганликларидан, ижтимоий тузумлари қандайлигидан қатъи назар, улар эришган ютуқлар, қадриятлар, кўтарилишлар ва инқирозлар тарихидан иборатдир. шу боисдан ҳам жаҳон маданияти ва миллий маданият ягона яхлитликни ташкил этиб, унинг қошида барча халқлар тенг ҳуқуқлидир. Ўзбекистоннинг Осиё мамлакатлари билан амалга ошираётган маданият соҳасидаги ҳамкорликлари негизда айнан, ўзаро бир-бирларини бойитиш ва шу орқали халқларни маданий қадриятларга ошно этиш мақсади ётади.

Бу эса Ўзбекистоннинг маданият борасидаги сиёсати бошқа мамлакатлар халқларининг маданиятини чуқур ҳурмат қилиш, бу соҳада улар эришган барча хайрли ва илғор жиҳатларни ўрганиш ва ўзлаштириш ҳамда улардан жамиятни янгилаш ва тараққий эттириш борасидаги вазифаларни ҳал этишда қўлланишни тақозо этади.

Шуни ҳам алоҳида таъкидлаш керакки, ҳозирги кунда халқаро терроризм, диний экстремизм ва ақидапарастлик, наркотиклар савдоси маданий алоқаларга ва умуман, маданиятга катта зарар етказмоқда. Шунинг учун ҳам бугунги кунда маданий алоқаларда иштирок этаётган мамлакатларнинг сиёсати кишиларга ҳозирги дунёнинг ўзига хос жиҳатларини англашларига ёрдамлашишга, уларнинг онгида турли қурооларсиз, тинч ва осойишта ҳаёт учун кураш ғояларини шакллантиришга йўналтирмоғи зарур.

Ўзбекистоннинг Осиё минтақаси мамлакатлари билан ўзаро ҳамкорлигининг ривожланиши ва унинг Ўзбекистонда амалга оширилаётган ислохотларга таъсири масаласини ҳар томонлама ўрганиш шуни кўрсатадики, мамлакатимизнинг бозор иқтисодиётига ўтиш, мамлакатни инқироз ҳолатидан олиб чиқиш ҳамда иқтисодиёт, фан, техника ва маданиятнинг жадал ва барқарор ривожланишига эришиш йўлида олиб бораётган ўзгартиришлари, мутлақо асосли ва тўғридир. Мамлакатимиз иқтисодиёти аста-секинлик билан сифат жиҳатидан янги босқичга кўтарилмоқда, бу ундаги таркибий ўзгартиришлар билан, импорт ўрнини босувчи, рақобатбардош маҳсулотлар ишлаб чиқарилиши билан, Ўзбекистоннинг, Ўзбекистон маҳсулотларининг халқаро меъёрлар ва талаблар даражасига эришиши билан чамбарчас

боғлиқдир. Буларнинг барчаси, охир-оқибатда, ички ялпи маҳсулотнинг тўхтовсиз ўсишини, мамлакат даромадларининг ошишини, халқнинг моддий ва маданий фаровонлигининг яхшланишини таъминлайди.

Хулоса тариқасида шуни қайд этиш жоизки, мамлакатимизда юз бераётган барча ижобий ўзгаришларда Осиё минтақаси билан ҳар томонлама ҳамкорлик ўрнатиш ва ривожлантиришни ўзининг асосий мақсадларидан бирига айлантирган ташқи сиёсий йўлимизнинг ўрни ниҳоятда беқиёсдир.

ТАВСИЯЛАР:

Бугунги кунда замонавий педагогик технологияларга катта аҳамият берилмоқда. Албатта, янги технологиялар ўқитувчилар кўникма ва малакаларини, маҳоратини оширишга қаратилган. Мактабда педагогик амалиёт ўтиш даврида тарих фани ўқитувчиларининг педагогик маҳорати сустлиги, уларнинг кўпчилиги ўз устида ишлашга, янгидан-янги усулларни излашга ва қўллашга унчалик интилмасликларини кузатдик. Шунинг учун ҳам педагогик маҳорат хусусида ўз фикр-мулоҳазаларимизни билдирмоқчимиз.

Маълумки, ўқитувчининг юксак педагогик маҳоратни эгаллаши ғоят мураккаб жараён бўлиб, долзарб муаммолардан биридир. Ўқитувчи дастурга киритилган, дарсликларда берилган материаллар билан чекланмай, ўрганиладиган мавзуга оид қўшимча материаллар билан ҳам яқиндан танишиши, ҳар бир

мавзуни ўтишда тарбиявий жиҳатини ҳам ҳисобга олиши ва ўз олдига аниқ мақсад қўйиб, унга эришиш йўллариини белгилашда, яъни дарс режасини тузишда синфдаги ўқувчиларнинг билим-савиясини, мазкур фаннинг ютуқлари ва янгиликларига муносабатини, қолаверса, унинг ўзига хос хусусиятлари, қизиқиш ва дунёқарашларини ҳам назарда тутиши лозим.

Бунда аввало шуни айтиш лозимки, ўқитувчиларнинг ҳаммаси ҳам доимо ўзининг мавжуд имкониятидан тўлиқ фойдалана олмайди ва педагогик маҳоратини батамом намоиш қила билмайди. Ваҳоланки, ўқитувчи бир мавзуни кўп марталаб ўтади. Шу ўринда ўқитувчининг ҳар бир дарс ўтказишни ҳақиқий санъаткор бирон бадиий образни мукаммал яратишига қиёслаш мумкин. Истеъдодли актёр ҳам мукаммал образ яратиш учун ўз ролини жуда кўп такрорлайди, уни юзларча марта сахнада намоиш қилади. У ҳар гал шу образ характерининг қандайдир номаълум қирраларини топади ва уларни ҳар сафар сахнага чиққанида ўша образда мужассамлаштиришга ҳаракат қилади. Шунинг учун ҳам актёр бир ролни қайта-қайта ўйнаганида уни айнан такрорламайди, балки тобора мукаммаллаштириб боради. Аслида ижодкор ўқитувчи ҳам мавзуни айнан такрорламаслиги уни нималар биландир бойитиб, такомиллаштириб бориши лозим. Зеро, ижодий изланиш ҳар бир соҳада муваффақият гарови бўлади. Бундан ташқари ижодий изланиш учун бугунги кунда имкониятлар яратиб берилган: нафақат кутубхона ва қироатхоналардаги адабиётлар бойитиб турилмоқда, балки Интернет тармоғидаги виртуал кутубхонаю турли-туман маълумотлар берувчи сайтлар ҳам бизнинг хизматимизда.

Ўқитишнинг ижодий жараён бўлишига эришиш учун ўқитувчи ўрганиладиган материалнинг мазмунидан келиб чиқиб, дарсни ҳақиқий маҳорат ва давр руҳи билан ўтказса, у, албатта, ўқувчи қалбига йўл топа олади. Бунда эса яна ахборот-коммуникация воситалари ёрдамга келади. Биринчидан, масофавий мулоқот дарсини ташкил этиш имконияти бор, иккинчидан, тақдимот услубида дарс ўтказиш мумкин.

Умуман олганда, тарих фани ўқитувчисининг касбий такомиллашувига доир қуйидаги маслаҳатларни бериш мумкин:

- Агар дарсга шунчаки иш эмас – муомала, машғулот эмас – санъат, жадвалдаги соатлар эмас – ҳаёт ва тарбия деб қаралса, унда ўзингиздан тезқтез сўранг: дарсга нима учун бораяпман? – Мен болаларнинг олдига бораяпман!

- Дарс бериш – бу инсон қалбига йўл топиш демакдир. Сўздаги ахлоқийлик – ҳақиқат, амалдаги ахлоқийлик – адолатдир. Дарс мазмуни холисона ва илмий асосланган материалларга таяниши лозим. Ўқувчилар билимини баҳолашда адолатлик – энг муҳим омил бўлиши керак.

- Тажрибали ўқитувчилар дарсларини қандай олиб боришларини кузатинг, улар қандай усулларни қўллаяпти, мавзунини қай тариқа ёритаяпти, ўқувчилар билимини назорат қилиш ва баҳолашда қандай усуллар қўллаяпти – буларнинг барчасини кузатиб, ўз дарсингизда синаб кўринг.

- Ўзингизни ва ўз қарашларингизни назарий баҳслар билан эмас, балки амалда ўтаётган дарсингиз билан тасдиқланг. Ўз йўлингиз билан боришдан қўрқманг. Турли усулларда дарс олиб

боришни синаб кўринг, ўз йўлингизни топинг. Ҳар бир дарсингиз – ўзингизнинг ижодий асарингиз бўлсин.

- Ўқитувчи бутун маҳоратини ёрқин намоён қиладиган дарс бўлмайди. Ҳар биримизнинг ҳали ишлатилмаган имкониятларимиз бор. Шунинг учун малакани доимо ошириб боришга, мавзуларга тегишли янги маълумотлар излаб топишга интилинг.

- Ёсингизда бўлсин: ҳар бир, ҳатто кўп йиллар чархланган дарс ҳам нимаси билан янги, биринчи бўлиши мақсадга мувофиқ. Замонавий педагогик ва ахборот-коммуникатив технологиялардан фойдаланишни ўзингиз учун дастуриламал қилиб олинг.

Хуллас, тарих фани ўқитувчиси нафақат билим берувчи, балки комил инсонни, ватанпарварни тарбияловчи шахс эканлигини унутмаслиги лозим.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

1. Каримов И.А. Ўзбекистон: миллий истиқлол, иқтисод, сиёсат, мафкура. Т.1.- Т., 1996.
2. Каримов И.А. Ўзбекистоннинг ўз истиқлол ва тараққиёт йўли. // Ўзбекистон: миллий истиқлол, иқтисод, сиёсат, мафкура. Т.1.- Т., 1996.

3. Каримов И.А. Ўзбекистон – бозор муносабатларига ўтишнинг ўзига хос йўли.- Т.,1995.
4. Каримов И.А. Ўзбекистонда демократик ўзгаришларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини асосларини шакллантиришнинг асосий йўналишлари.// Халқ сўзи. 2002 йил 30 август
5. Алимов А. Внешнеполитическая деятельность Республики Узбекистан: взгляд в будущее.- Т.,1992
6. Андрианов В.Д. Новѐе индустриальнѐе странѐ. - М.: Наука, 1990.
7. Бабаходжаев М. Республика Узбекистан: очерки межнациональнѐх и межконфессиональнѐх отношений, внешнеэкономических связей. Т., 1994
8. Касѐмов А., Васькин И. Основнѐе направления внешней политики Республики Узбекистан.- Т.,1994
9. Каримова Г.И. Политико-экономические реформѐ в Узбекистане: реалии и перспективѐ.- Т.,1995
10. Лаврентьев В.Н, Новѐе индустриальнѐе странѐ Азии: перестройка промышленной структуруѐ - М.: Наука, 1990.
11. Новейшая история. М., 1992.
12. Новѐе индустриальнѐе странѐ в мировой экономике. – Свердловск, 1999.
13. Нуриддинов Э.З. Международное сотрудничество Узбекистана со странами Европѐ в условиях независимости.- АДД.- Т.,2000.
14. Расулев А., Бедринцев А., Акилов А. Узбекистан: внешнеэкономическая деятельность и интеграция в мировое хозяйство.- Т.,1996.
15. Сѐчева В.А. Трудженики четѐрех «маленьких драконов». – М.:Наука, 1991.

16. Усмонов Қ. Ўзбекистоннинг жаҳон ҳамжамиятига интеграциялашуви.- Т.:Молия, 2003
17. Ўзбекистон тарихи.- Т.:Янги аср авлоди, 2003
18. Ўзбекистон ва жаҳон ҳамжамияти – Т.,2002
19. Ўзбекистоннинг янги тарихи. 3 китоб. Мустақил Ўзбекистон тарихи.- Т.:Шарқ, 2000
20. Мулоқот. 2003 йил. №3.
21. Экономическое обозрение. Декабрь 2000 г. С.64; ноябрь 2001 г.
22. XXI аср. 2004 йил 5 июль. 29-сон.
23. Халқ сўзи. 2002 йил 3 май
24. Халқ сўзи. 2002 йил 23 май.
25. Халқ сўзи 2005йил 24 июнь
26. Халқ сўзи.2005 йил 25 июль
27. Халқ сўзи. 2005 йил 18 октябрь
28. Халқ сўзи. 2006 йил, 5 январь.
29. Маърифат. 2007 йил 28 март
30. Маърифат. 2007 йил 25 апрел.
31. Ҳамкорликнинг янги уфқлари. // Маърифат. 2007 йил 27 январ.
32. O'zbekiston ovozi. 2007 йил 7 июл.
33. Бизнес-вестник Востока. 2002. 2 мая.
34. Народное слово. 2002. 23 мая.
35. Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлигининг жорий архиви. Европа мамлакатлари Бошқармаси.
36. Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлигининг жорий архиви. Осиё-Африка мамлакатлари Бошқармаси.

М У Н Д А Р И Ж А

Режа.....	2
Кириш.....	3
1-боб. “Янги индустриал мамлакатлар” (ЯИМ)нинг халқаро иқтисодий муносабатлари.....	14
1.1. “Янги индустриал мамлакатлар”нинг умумий характеристикаси.....	14

1.2. ЯИМ иқтисодий моделларининг ўзига хос томонлари.....	18
1.3. ЯИМ –халқаро меҳнат тақсимоти системасида.....	25
 2-боб. Ўзбекистоннинг “Осиё йўлбарслари” билан ҳамкорлиги.....	34
2.1. Мустақил Ўзбекистоннинг хорижий Осиё мамлакатлари билан ўзаро муносабатларидаги асосий йўналишлар.....	34
2.2. Ўзбекистоннинг Осиёдаги янги индустриал мамлакатлар билан муносабатлари.....	43
 Хулоса ва тавсиялар.....	59
Фойдаланилган адабиётлар рўйхати.....	73